

**МАВЗУ: Пенсия жамғармасининг даромад ва харажатлар кўрсаткичларини  
прогнозлаш йўллари.**

**РЕЖА:**

<b>1-БОБ. ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИНИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ- КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ.</b>	
1.1. Пенсия фондининг даромадлари ва харажатларини бошқаришнинг назарий асослари.	5
1.2. Пенсия жамғармаси даромад ва харажатлар кўрсаткичларини прогнозлаш методологияси.	23
1.3. Пенсия фондининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўллари.	33
<b>2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ.</b>	
2.1. Ўзбекистонда Пенсия жамғармасининг даромадлари ва харажатларини бошқариш амалиёти.	51
2.2. Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатларини прогнозлаш тизимини шакиллантириш амалиёти.	61
2.3. Пенсия жамғармасининг харажатларини башорат қилишда ижтимоий демографик рискларини ҳисоблаш таҳлили.	70
<b>ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.</b>	88
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.</b>	90

## KIRISH

**Битирув малакавий иш мавзусининг долзарблиги.** Бугунги кунда жаҳоннинг кўпгина давлатларида пенсия жамғармасининг даромадлари харажатларини қоплолмаслик ҳолатлари кузатилмоқда. Мазкур ҳолатларни мамлакатимизда юз беришини олдини олиш учун бир қанча чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади. Бундан ташқари пенсия ва нафақалар миқдорини ошириш, пенсионерларнинг ижтимоий ҳимоясини кўчайтириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш каби бир қанча муаммолар мавжуд. Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатларини шакллантириш механизмларини замонавий молиявий сиёсат концепциялари асосида такомиллаштириб бориш ҳам жамғарма маблағларидан оқилона фойдаланиш ва уни мақсадли сарфлашнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини илмий-амалий тадқиқ этишни тақозо этмоқда.

Бугун ижтимоий ва иқтисодий ҳолатни тўғри баҳолаган ҳолда Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатларини тўғри ва юқори аниқликда прогноз қилиш ва кутилаётган хатарларни олдини олиш бўйича аниқ чоралар кўриш муҳим саналади.

Пенсия таъминоти тизимининг барқарорлигини янада яхшилаш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланиб бормоқда.

**Битирув малакавий иш мавзусининг ўрганиш объекти.** Пенсия тизими мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, аҳолининг турмуш тарзи ва ижтимоий-маиший ҳаётида муҳим ўрин тутди. Бежиз эмас, мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзбек моделида “аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш тамойили” алоҳида ўрин эгаллаган.

Аҳолининг кучли ижтимоий ҳимояси давлатимизнинг аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз кексаларни ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа аҳоли қатламларига моддий ва маънавий ёрдам қўлини чўзишда ўз аксини топади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги **ПФ-4947**-сонли Фармони билан тасдиқланган **2017 – 2021** йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Харакатлар стратегиясида** ҳам ўз аксини топиб, унда:

– аҳолининг реал пул даромадларини ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилалар сонини ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиш даражасини янада камайтириш;

– бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажмини инфляция суръатларидан юқори миқдорда изчил ошириш;

– янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш;

– меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, иш кучи сифатини яхшилаш, ишга муҳтож шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш, бажарилиши лозим бўлган асосий вазифалардан бири этиб белгиланди.

Шу жиҳатдан пенсия таъминоти тизими мамлакатимизнинг ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди.

Бугунги кунда жаҳоннинг кўпгина давлатларида пенсия жамғармасининг даромадлари харажатларини қоплолмаслик ҳолатлари кузатилмоқда. Мазкур ҳолатларни мамлакатимизда юз беришини олдини олиш учун бир қанча чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади. Бундан ташқари пенсия ва нафақалар миқдорини ошириш, пенсионерларнинг ижтимоий ҳимоясини кўчайтириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш каби бир қанча муаммолар мавжуд

Битирув малакавий ишнинг объекти сифатида Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари олинди.

**Битирув малакавий ишнинг предмети.** Битирув малакавий ишнинг предмети – бу Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатларини башорат қилиш ва улар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар йиғиндиси ҳисобланади.

**Битирув малакавий ишнинг мақсади ва вазифалари.** Битирув малакавий ишнинг мақсади Пенсия жамғармасининг даромадлари ва харажатларининг номутаносиблигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш прогнозлаштириш ҳамда пенсия таъминоти тизими барқарорлигини такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Битирув малакавий ишнинг назарий ва амалий аҳамияти.** Мамлакатимизда амал қилаётган пенсия тизимини такомиллаштириш шунингдек узоқ муддатга мўлжалланган даромад ва харажатларини башорат қилиш орқали унинг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган махсус илмий тадқиқот ҳисобланади. Битирув малакавий ишнинг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган таклиф ва амалий тавсиялардан пенсия жамғармасининг даромад ва харажатларини прогнозлаштиришда ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган концепция ва дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкун.

**Битирув малакавий ишнинг таркиби ва тузилиши.** Кириш, икки боб, 16 та таҳлилий жадвал, 1 тадан диаграмма кўринишидаги расм ва чизма, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

# **1-БОБ. ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИНИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ- КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ.**

## **1.1. Пенсия жамғармасининг даромадлари ва харажатларини бошқаришнинг назарий асослари.**

Ҳозирги пайтда пенсия таъминоти тизими энг муҳим институтлардан бири ҳисобланади. Унинг самарали фаолият кўрсатиши мамлакатнинг ижтимоий фаровонлиги даражасига бевосита таъсир кўрсатади. Шу жиҳатдан ҳам давлат пенсия таъминоти тизимига ва уни амал қилиш механизмларини такомиллаштириб борилишига алоҳида эътибор қаратиб келинган.

Маълумки, давлат пенсия таъминоти тизими фуқароларнинг пенсия ёшига етганда, меҳнат қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотганда, боқувчисиз қолганда ижтимоий таъминланишдан иборат конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, давлат пенсияларининг ягона тизимини, уларни тайинлаш, ҳисоблаб чиқариш, қайта ҳисоблаш ва тўлаш тартибини бошқаришнинг молиявий асосини ташкил этиш, пенсия таъминоти органлари фаолиятини бошқариш, тегишли ҳуқуқий базани шакллантиришдан иборат. Давлат пенсия таъминотининг барқарорлиги мамлакат иқтисодиёти ва энг аввало, унинг ижтимоий соҳаси ҳолатини характерлайдиган муҳим кўрсаткич бўлиб, у тартибга солиш ҳамда рағбатлантириш тамойиллари асосида амал қилиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 3сентябрь куни ўтказилган сессияси мажлисида Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги 938-ХП-сонли Қонуни қабул қилинган ва бу қонунга 2018 йилгача 20 маротаба ўзгартиришлар киритилди.

Қонунинг умумий қоидалар қисмида фуқароларнинг давлат пенсия таъминотига тааллуқли ҳуқуқлари, давлат пенсияларининг турлари, пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этиш тартиби, пенсия танлаш ҳуқуқи белгиланган.

Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида Ўзбекистонда фаол ижтимоий сиёсатни амалга оширишда янгича амалий ва самарали шаклларни қўллашни тақозо этади. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, пенсия тизими фаолиятини йўлга қўйиш ва ундан

самарали фойдаланиш бошқа даромад ҳисобга олинган ҳолатда ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш ва кишиларни кексалиқда камбағалликдан ҳимоялашнинг муҳим воситаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Пенсия тизими таъминот асосида шакллантириладиган ва аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш ва конституцион ҳуқуқларини амалга ошириш учун йўналтириладиган пул маблағлари жамғармасидан фойдаланишга асосланади. Пенсия тизимига хизмат қилувчи пенсия жамғармалари учун даромад манбаларининг аниқ белгиланганлиги, маблағларнинг қатъий мақсадли ишлатилиши, аҳоли ижтимоий табақалашувини юмшатишга йўналтирилганлиги, маблағларнинг шаклланиши ва ишлатилиш муддатларининг мос келмаслиги, мустақил молия-кредит ташкилоти ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғарма эканлиги ҳамда ижтимоий таъминотнинг муҳим элементи эканлиги каби хусусиятлар ҳосдир.

Миллий иқтисодиётдаги пенсия тизими иқтисодий ресурслар эркин ҳаракатига асосланган тақсимот муносабатлари маҳсули бўлиб, катта ижтимоий юкни кўтаради. Унинг маблағлари фирмалар, корхоналар, уй хўжаликлари ва давлат сингари иқтисодиёт субъектлар даромадларини қайта тақсимлаш жараёнида шаклланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат ижтимоий-иқтисодий мувозанатлигини таъминлаш тарафдорларининг фикрича, давлат пенсия тизимининг мавжудлиги ва унинг амал қилиши мақсадли аниқ йўналтирилган маблағларнинг самарали сарфланишини акс эттиради. Ушбу тизимнинг мавжудлиги ишловчининг ўзини мустақил таъминлаш тўғрисида қайғуришини қисман чеклайди, меҳнат фаолиятини тўхтатгандан кейин пул даромадлари олишга бўлган ишонч уларни меҳнат сифатини оширишга қаратилган манфаатдорлигини камайтиради. Ишловчи ўзини моддий жиҳатдан мустақил таъминлашга бўлган эҳтиёжи ва доимий интилиши уни меҳнат унумдорлигини оширишга рағбатлантиради. Бу далилнинг бошқа жиҳати инвестицион жараёнларни янада такомиллаштириш мақсадларидан келиб чиқиб, иқтисодий ўсишга йўналтирилган аҳоли жамғармаларини рағбатлантириб боради. Шундан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, келажакда мустақил моддий таъминланиш

тўғрисида қайғуриш фаол аҳоли қатламини ўзининг меҳнат фаолияти жараёнида ўз хоҳишига кўра жамғармалар қилишга мажбур этади. Бу эса, ўз навбатида уларнинг банклардаги жамғарма маблағлари инвестиция сифатида фойдаланилиши ва меҳнат унумдорлигининг ортишига таъсир кўрсатиши мумкин. Натижада, белгиланган муддатда пенсионерларнинг даромад манбаи ҳаракатга келади ва ушбу маблағлар иқтисодий ривожлантиришга йўналтирилади.

Ишловчиларнинг пенсия жамғармасига тўловлари иқтисодий нуқтаи назардан улар иш ҳақининг бир қисмидир. У ишчи кучининг қийматида киради, аммо институционал муайян кечиктирилган муҳлатда амалга оширилади, бу ишловчиларнинг пенсия жамғармасига қўйган ва қайтарилиши лозим бўлган ўзига хос мақсадли улуши, омонатидир.

Аҳолини самарали меҳнат қилишга ундовчи сабабларнинг юқори даражаси бир томондан пенсия миқдорининг тегишли яшаш минимумига нисбати, пенсия тўловларининг харид имкониятига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан ишловчининг малака даражаси, ишлаган даврлари мобайнидаги меҳнат фаолиятининг интенсивлиги даражасига боғлиқдир. Пенсия миқдорининг меҳнат фаолияти мобайнида олинган иш ҳақи миқдори билан бевосита боғлиқлиги самаралироқ меҳнатга рағбатлантириш имконини беради.

Пенсия таъминотининг энг муҳим иқтисодий функцияси меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқариш учун зарурий шарт-шароитлар яратишдан иборатдир. Пенсия таъминоти – давлатнинг ижтимоий таъминот сиёсатининг муҳим ва ажралмас қисмидир. Шу нуқтаи назардан, ижтимоий таъминот тизими жамиятда ижтимоий адолатлиликни таъминлаш, сиёсий барқарорликни вужудга келтириш ва таъминлаб туришнинг асосий шарт-шароитларидан биридир.

Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодий шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоен этмоқда. Жумладан, қисқа вақт ичида иқтисодийда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлаш, самарали ташқи савдо ҳамда инвестиция жараёнларини кучайтириш,

қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантириш, банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлашда аҳамиятли ютуқлар қўлга киритилди.

Давлатимиз томонидан ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтишда мамлакатнинг барқарор ривожланишини, иқтисодий ўсиш суръатларининг юқори даражада бўлишини таъминлаш мақсадида бюджет–солик сиёсатини янада такомиллаштириш, давлат бюджети даромадларига мавжуд захираларни ўрганиш муҳим вазифа қилиб олинди. Бунда пенсия жамғармасини бошқариш жараёни, даромад қисмини белгилловчи молиявий манбаларни шакллантириш таҳлили, харажатлар қисмини қай даражада мақсадли сарфланишининг таҳлили муҳим ўрин эгаллайди.

Ҳозирги кунда бюджетдан ташқари. Пенсия жамғармаси маблағлари ҳамишламайдиган ва ишлайдиган пенсионерларга пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва компенсация тўловлари ва бошқа тўловларни молиялаштириш Жамғарманинг ҳудудий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг бўлинмаларида очилган махсус ҳисоб рақамлар орқали амалга оширилади.

Жамғарма даромадлари қуйидаги манбалар ҳисобига шаклланирилади:

а) мажбурий тўловлар ва бадаллар:

- белгиланган миқдорлардаги ягона ижтимоий тўлов тушумлари;
- алоҳида юридик шахсларнинг ижтимоий суғурта бадаллари;
- фуқароларнинг суғурта бадаллари;
- жисмоний шахслар айрим тоифаларининг суғурта бадаллари;
- мажбурий ажратмалар;

б) бошқа тўловлар:

– “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига мувофиқ тайинланган меҳнатда майиб бўлганлик ёки касб касаллиги оқибатида ногирон бўлганларга пенсиялар тўлаш харажатларини қоплаш учун регрессив талаблар (даъволар) бўйича иш берувчилар ва фуқаролардан ундириладиган маблағларнинг 85 фоизи;



– “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасига мувофиқ муддатидан олдин тайинланган ёшга доир пенсияларни тўлаш харажатларини қоплаш учун ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари;

– “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасига мувофиқ тайинланган имтиёзли пенсияларни тўлаш харажатларини қоплаш ҳисобига ўтказиладиган юридик шахслар маблағлари;

– деҳқон хўжаликлари аъзоларининг ихтиёрий тартибда тўланадиган суғурта бадаллари;

– ҳисобланган жарималар суммасининг бир қисми ҳамда мажбурий тўловлар, бадаллар ва бошқа тўловлар ўз вақтида тўланмаганлиги учун пенялар (қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат солиқ хизмати органларининг ижтимоий ривожлантириш ва моддий-техник таъминлаш махсус жамғармасига ҳамда Жамғарма ходимларининг ижтимоий ривожлантириш ва моддий рағбатлантириш жамғармасига ундириладиган суммалардан ташқари);

– юридик шахс тугатилганда, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкати), фермер ва деҳқон хўжалиги қайта ташкил этилганда ёки тугатилганда меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда майиб бўлган, касб касаллигига чалинган ёки соғлиғига бошқача шикаст етказилган ходимга етказилган зарарни қоплаш учун тўланадиган суммалар;

– қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар, Давлат бюджети маблағлари ва ихтиёрий бадаллар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва давлат солиқ хизматининг ҳудудий органлари:

– манбалар турлари бўйича Жамғармага мажбурий тўловлар, бадаллар ва бошқа тўловларнинг тўғри ҳисобланиши, тўлиқлиги ва ўз вақтида тўланиши назорат қилинишини;

– манбалар турлари ва тўловчилар бўйича Жамғармага мажбурий тўловлар, бадаллар ва бошқа тўловлар ҳисоби юритилишини;

– юридик ва жисмоний шахслар томонидан Жамғармага мажбурий тўловлар, бадаллар ва бошқа тўловлар тўғри ҳисобланишини, шунингдек Жамғарма билан ўзаро ҳисоб-китобларнинг ҳолати текширилишини;

– қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий тўловлар, бадаллар ва бошқа тўловларни ҳисоблаш тартиби ва тўлаш муддатлари бузилганлиги учун юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан молиявий ва маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилишини;

– бадалларнинг шахслар бўйича ҳисобини амалга ошириш ва меҳнат дафтарчаларини юритиш учун ҳар чорақда Жамғармага юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган шахслар ва деҳқон хўжаликлари аъзолари томонидан тўланган бадалларнинг миқдорлари тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлайди.

Ҳозирги даврда мамлакатимизда давлат пенсия таъминотининг ташкилий жиҳатдан икки шакли мавжуд бўлиб, уларнинг биринчиси - фуқароларнинг бирдамлашган давлат пенсия таъминоти тизими, иккинчиси - фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда пенсия таъминотининг янги тизими пайдо бўлди. Пенсия таъминоти тизимининг ҳуқуқий асосини яратилишида ҳукуматимиз томонидан қатор қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигини пенсия таъминоти борасида асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

– фуқароларнинг пенсия таъминоти соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш;

– бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатларининг мутаносиблигини таъминлаш;

– бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ўз зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларни, хусусан, пенсиялар ҳамда бошқа тегишли

тўловларни тайинлаш ва тўлашда ўрнатилган қоидаларни қўлланиш қисмида уларнинг бажарилишини мувофиқлаштириш ва назоратни амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадларини шакллантириш ва маблағларни сарфлаш тартиби ҳамда Жамғармани бошқариш тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2010 йил 19 февралда № 30-сонли қарори билан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисидаги низом асосида амалга оширилади.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг тасдиқланган Низомига асосан Жамғарма даромадларини шакллантириш манбалари қуйидагилар ҳисобланади:

- ✓ мажбурий тўловлар ва бадаллар:
  - ягона ижтимоий тўлов тушумлари;
  - алоҳида юридик шахсларнинг ижтимоий суғурта бадаллари;
  - фуқароларнинг суғурта бадаллари;
  - жисмоний шахслар айрим тоифаларининг суғурта бадаллари;
  - корхона ва ташкилотлар маҳсулот (иш, хизмат) сотиш ҳажмидан мажбурий ажратмалар;

- ✓ бошқа тўловлар:

Бошқа даромадларга:

- ✓ меҳнатда майиб бўлганлик ёки касб касаллигига чалинганлик туфайли тайинланган ногиронлик пенсияларини тўлаш харажатларининг ўрнини қоплаш учун тақдим этиладиган регресс талаблар (даъволар) бўйича иш берувчилар ва фуқаролар томонидан ўрни қопланадиган маблағларнинг бир қисми;

- ✓ Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг муддатидан олдин тайинланган ёшга доир пенсияларни тўлаш харажатларини қоплаш ҳисобидан киритиладиган маблағлари;

✓ юридик шахсларнинг имтиёзли пенсияларни тўлаш харажатларини қоплаш ҳисобидан киритиладиган маблағлари, фуқароларнинг ихтиёрий тартибда тўланадиган суғурта бадаллари;

✓ мажбурий тўловлар, бадаллар;

✓ ўз вақтида тўланмаганлиги учун ҳисобланган жарималар ва пенялар суммасининг бир қисми;

✓ меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда майиб бўлган, касб касаллигига чалинган ёхуд соғлиғига бошқача шикаст етказилган ходимга юридик шахс тугатилганда, кишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), фермер ва деҳқон хўжалиги қайта ташкил этилганда ёки тугатилганда зарарнинг ўрнини қоплаш учун тўланадиган маблағлар;

✓ вақтинчалик бўш турган маблағларни жойлаштиришдан олинган даромадлар ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар киради.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадларини ташкил этувчи мажбурий ижтимоий ажратмалар ставкалари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат бюджети параметрлари тўғрисидаги қарорида белгиланади. Охириги ўн йил давомида белгиланган ставкаларни кўриб чиқадиган бўлсак, қуйидаги ҳолатни кўраемиз.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 февралдаги 30-сон қарори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисида низомда жамғарманинг асосий вазифалари ва функциялари қуйидаги тартибда белгилаб берилган.

– қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фуқароларнинг давлат пенсия таъминотини ташкил этиш, фуқароларга пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация тўловлари ва бошқа тўловларни тайинлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларининг қайта ҳисоблаб чиқирилишини таъминлаш;

– пенсиялар ва бошқа тўловларни тўлиқ ҳажмда молиялаштириш ва тўланишини ташкил этиш, улар бўйича ҳисоб ва ҳисоботни юритиш;

– тизимли асосда пенсиялар тайинлаш ва уларни қайта ҳисоблашнинг доимий таҳлилини ўтказиш ва мониторингини олиб бориш, фуқароларнинг

пенсия таъминотига йўналтириладиган маблағлардан қатъий мақсадли фойдаланилишини таъминлаш;

– меҳнатда майиб бўлганлик ёки касб касаллиги оқибатидаги ногиронлик туфайли тайинланган пенсияларга тўланган маблағларни даъволар бўйича айбдор юридик ва жисмоний шахслардан белгиланган тартибда ундириб олишни ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 февралда 46-сон қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга кўра:

Чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш тартибини, шунингдек уларнинг пенсияни ҳисоблаш учун олинadиган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган,

Чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс томонидан Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўлаш тартиби:

Чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс бошқа давлатда ишлаган ҳар бир ойи учун Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини ихтиёрий равишда тўлайди,

Чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс пенсия билан таъминланиш миқдоридан келиб чиқиб Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари миқдорини мустақил равишда, бироқ ҳар ой учун Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш санасида конун ҳужжзтларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробаридан кам бўлмаган миқдорда белгилаши мумкин.

Чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс томонидан суғурта бадалларини тўлаш куйидаги тартибда амалга оширилиши мумкин:

– ҳар ойда ёки ҳар чоракда;

– бирйўла - Ўзбекистон Республикасига келган кунидан бошлаб уч ой мобайнида.

Миллий валютадаги суғурта бадаллари чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс доимий яшаш жойи бўйича давлат солиқ хизмати органларига хизмат кўрсатаётган банкларда очилган Пенсия жамғармасининг тегишли даромад транзит ҳисоб рақамларига унинг томонидан мустақил равишда, оила аъзолари ёки ишончли вакил томонидан тўланади.

Якка тартибдаги тадбиркор, деҳқон хўжалиги аъзоси ва оилавий тадбиркорлик субъекти оиласи аъзоси томонидан Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш тартиби:

Якка тартибдаги тадбиркор ва деҳқон хўжалиги аъзоси ўзи учун ўзидаги мавжуд имкониятлардан ва пенсия билан таъминланишнинг миқдоридан келиб чиқиб, Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари миқдорини мустақил равишда, бироқ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 311-моддасида белгиланган суғурта бадалларнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган миқдорида белгилайди.

Якка тартибдаги тадбиркор оилавий тадбиркорлик субъектининг ҳар бир аъзоси, шунингдек меҳнат шартномаси бўйича якка тартибдаги тадбиркор томонидан ёлланган ҳар бир ходим учун Пенсия жамғармасига ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида суғурта бадали тўлайди.

Суғурта бадаллари:

Якка тартибдаги тадбиркор ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзолари томонидан - ҳар ойда, тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган ойнинг 25-кунидан кечиктирмай тўланади;

Деҳқон хўжалиги аъзоси томонидан - ҳисобот йилининг 1 октябригача тўланади.

Бунда суғурта бадалларининг миқдори тўлов кунига белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Янги рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркорлар ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзолари томонидан суғурта бадалларини тўлаш улар якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан кейинги ойдан бошлаб амалга оширилади.

Пенсия жамғармасына суғурта бадаллари нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича тўланган тақдирда суғурта бадали тўланганлиги туғрисидаги тўлов ҳужжатида кўрсатилган сана суғурта бадали тўланган кун ҳисобланади. Тўлов ҳужжатида фамилия, исм, отасининг исми, СТИР ва тўлов амалга оширилаётган давр албатта кўрсатилиши шарт. Бунда оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзолари ва деҳқон хўжалиги аъзолари бўйича тўлов ҳужжати ҳар бир оила аъзоси учун алоҳида- алоҳида ёзилади. Агар тўлов ҳужжатида давр кўрсатилмаган бўлса, тўлов у амалга оширилаётган ой (деҳқон хўжаликлари аъзолари учун - йил) учун тўланган деб ҳисобланади.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан:

Якка тартибдаги тадбиркор (чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс, деҳқон хўжалиги аъзоси томонидан ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзоси учун) Пенсия жамғармасына суғурта бадаллари тўланган тақдирда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15- кунигача якка тартибдаги тадбиркорнинг (чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахснинг, деҳқон хўжалиги аъзосининг ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзосининг) доимий яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармасы бўлимига тўланган суғурта бадаллари туғрисида ахборотни тақдим этади,

Шунингдек, якка тартибдаги тадбиркордан (чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахсдан, деҳқон хўжалиги аъзосидан ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзоси учун) Пенсия жамғармасына суғурта бадаллари тушиши юзасидан доимий назорат олиб боради ва ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20-кунигача якка тартибдаги тадбиркорнинг (чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахснинг, деҳқон хўжалиги аъзосининг ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзосининг) доимий яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармасы бўлимига:

– Ҳисобот чорагида ҳисобга қўйилган (ҳисобдан чиқарилган) якка тартибдаги тадбиркорлар (деҳқон хўжалиги аъзолари ва оилавий тадбиркорлик

субъекти оила аъзолари) тўғрисидаги ахборотни ҳамда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланган суғурта бадаллари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

Айрим тоифадаги жисмоний шахслар учун суғурта бадалларини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари:

Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликларининг аъзолари суғурта бадалларини йилига энг кам иш ҳақининг тўрт ярим бараваридан кам бўлмаган миқдорда тўлайди. Бунда деҳқон хўжалигининг бошлиғи суғурта бадалларини мажбурий тартибда, бошқа аъзолари эса, ихтиёрийлик асосида тўлайди, Белгиланган миқдордаги суғурта бадалларининг тўланиши деҳқон хўжалиги аъзосининг меҳнат стажини ҳисоблаб чиқаришда бир йил деб ҳисобга олинади.

Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар, шунингдек I ва II гуруҳ ногирони бўлган шахслар учун суғурта бадалининг миқдори унинг белгиланган энг кам миқдорининг камида 50 фоизини ташкил этиши керак. Мазкур имтиёзлар пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади. Имтиёзга булган ҳуқуқ календарь йил давомида вужудга келган ёки бекор бўлган тақдирда, суғурта бадалларини қайта ҳисоб-китоб қилиш ушбу ҳуқуқ вужудга келган ёки бекор бўлган ойдан эътиборан амалга оширилади.

Ягона ижтимоий тўловни тўловчилар қуйидагилардир:

– Юридик шахслар - Ўзбекистон Республикаси резидентлари;  
– Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса, чет эллик юридик шахсларнинг ваколатхоналари ва филиаллари орқали амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари.

– Жисмоний шахслар - Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикасида доимий равишда яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўловчилардир.

– Суғурта бадалларини ҳисоблаш ва ушлаб қолиш мажбурияти, шунингдек



уларнинг туғри ҳисоблаб чиқарилиши учун жавобгарлик иш берувчи зиммасига юклатилади.

Ягона ижтимоий тўловни ва суғурта бадалларини ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш тартиби белгиланган:

– Ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари ҳар ойда солиқ солинадиган базадан ҳамда белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

– Ягона ижтимоий тўлов юридик шахсларнинг маблағлари ҳисобидан тўланади, суғурта бадаллари эса ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинади ва солиқ агентлари томонидан ўтказилади.

– Ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадалларининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчи томонидан ортиб борувчи яқун билан ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади. Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари томонидан йил яқунлари бўйича ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадалларига доир ҳисоб-китоб ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25 мартига қадар тақдим этилади.

Қуйидагилар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг тўловчилари бўлмайди:

– Нотижорат ташкилотлар, бундан уларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олган даромадлари мустасно;

– Ягона солиқ тўловини ва (ёки) ягона ер солиғини тўловчи юридик шахслар;

– умумбелгиланган солиқларни тўловчи микрофирмалар ва кичик корхоналар, бундан акциз туланидиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмаларни казиб олувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар мустасно.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш, уларнинг ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва уларни тўлаш тартиби:

– мажбурий ажратмалар ҳар ойда солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади;

– мажбурий ажратмаларнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи якун билан йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25- кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса - йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

**(1-жадвал) 2002-2018 йилларда ягона ижтимоий тўлов ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий суғурта бадаллари ставкаси<sup>1</sup>**

Йиллар	Пенсия жамғармаси			Ишбилан таъминлашга кўмаклашувчи жамғарма	Касаба уюшмалари Федерацияси ва Кенгаши	Ягона ижтимоий тўлов
	Иш берувчи	Ишловчи		Иш берувчи		
	Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди	Тошва ва хизматлар реализацияси	Иш ҳақи миқдоридан	Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди		
	(А)	(Б)	(В)	(Г)		
2002	37,5	0,7	2,5	1,5	1,2	40,2
2003	35	0,7	2,5	1,5	0,7	37,2
2004	31,6	0,7	2,5	0,9	0,5	33
2005	30	0,7	2,5	0,5	0,5	31
2006	24,2	0,7	2,5	0,5	0,3	25
2007	23,5	0,7	2,5	0,3	0,2	24
2008	2,5	1	2,5	0,3	0,2	24
2009	23,6	1	3,5	0,2	0,2	24
2010	24,8	1,5	4	0,1	0,1	25
2011	24,8	1,6	4,5	0,1	0,1	25
2012	24,8	1,6	5,5	0,1	0,1	25
2013	24,8	1,6	6	0,1	0,1	25
2014	24,8	1,6	6,5	0,1	0,1	25
2015	24,8/14,8	1,6	7	0,1	0,1	25/15
2016	24,8/14,8	1,6	7,5	0,1	0,1	25/15

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси пенсия фонди ва Вазирлар Маҳкамасининг 2002-2017 йиллардаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисидаги қарорлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

<b>2017</b>	24,8/14,8	1,6	8	0,1	0,1	25/15
<b>2018</b>	24,8/14,8	1,5	8	0,1	0,1	25/15

Юқоридаги 1-жадвал маълумотларидан шуни кўришимиз мумкинки, 2002 йилда ягона ижтимоий тўлов таркибида пенсия жамғармасига ажратмалар **37.5%** ни ва мажбурий суғурта бадали **2,5%** ни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йилга келиб ягона ижтимоий тўлов таркибида пенсия жамғармасига иш берувчилар томонидан **24,8%** имтиёз тариқасида айрим соҳа вакиллари **14.8 %** ни ишловчилар томонидан мажбурий суғурта бадаллари салмоғи эса **8%** ни ташкил этмоқда. Буни диаграммада тасвирласак қуйидагича ҳолатни кузатишимиз мумкин.

2015 йилдан бошлаб нодавлат сектор хўжалик субъектлари иш ҳақи фондидан ягона ижтимоий тўлов **25%** дан **15%** га туширилди. Бу хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар учун жуда катта имконият яратади. Кўпчилик хусусий сектор субъектлари ягона ижтимоий тўлов ставкаси юқорилиги сабабли ишчиларга иш ҳақи ёзишдан қочади ёки яширишга ҳаракат қилади ва расмийлаштирмасдан ҳисоб китоб қилишни афзал билишади. Бу ҳолат албатта давлат учун ҳам, ходим учун ҳам зарар ҳисобланади. Чунки бунда ходимга иш стажи юритилмайди, унинг ҳақиқий даромадидан давлатга солиқ ва суғурта бадаллари тўланмайди ёки келажакда пенсияга чиқиш имкониятини йўқотади ва ўз навбатида бюджетга ҳам шу ходим ҳисобидан маблағ тушмайди.

Иш берувчилар томонидан тўланадиган ягона ижтимоий тўлов билан ишловчилар томонидан тўланадиган мажбурий суғурта бадаллари ўртасида тафовутни қисқартириш ва жамғарма даромадларининг шаклланишида ижобий силжишларга эришиш учун ҳамда жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб ишловчилар томонидан тўланадиган мажбурий суғурта бадаллари ставкасини босқичма-босқич ошириб бориш лозим.

Пенсия жамғармасига тўланадиган суғурта бадали улуши жиҳатдан Европанинг кўпгина мамлакатларида иш берувчи ва ишлоавчилар томонидан тўланадиган суғурта суммаси деярли тенг улушларда амалган оширилади.

Албатта бунинг ўзига хос томонлари бу мамлакатдаги иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳолатнинг яхшилиги айти шу тенденцияларнинг тенг улушларда олиб борилишига имкон беради.

**(2-жадвал) МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатларида пенсия ва ижтимоий фондларга тўланидиган суғурта бадали тарифлари<sup>2</sup>**

*01.01.2018 йил ҳолатига*

№	Мамлакат номи	Суғурта бадали ставкаси - умумий % да		
		Иш берувчи	Ишловчи	
			Жами	Жамғариб бориладиган пенсия фондига
1	Озарбайжон	22,5	3,5	-
2	Арманистон	24,4; 26,0; 35,0	5	5
3	Беларуссия	34	1	-
4	Грузия	20	-	-
5	Қозоғистон	9,5	10	10
6	Қирғизистон	17,25	10	2
7	Латвия	24,09	11	6
8	Литва	27,48 - 29,1	3	2
9	Молдова	23	6	-
10	Россия	30	-	-
11	Тожикистон	25	1	-
12	Туркменистон	39	-	2 % дан бўлмаган
13	Ўзбекистон	25/15	8	2
14	Украиния	22	-	-
15	Естония	33,8	3,6	2

Пенсия фондига ижтимоий бадаллар тўловчи ишловчилар сони ва пенсионерлар ўртасидаги нисбат – боғлиқлик коэффициенти бирдамлик тамойилига асосланган пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини акс эттиради. Жаҳон амалиётида қабу қилинган чегаравий мезон нисбат камида 1:3 (бир пенсионерга учун камида уч ишловчилар тўлов тўлашлари лозим) бўлиши лозим.

<sup>2</sup>Международная ассоциация пенсионных и социальных фондов 21 [22] 2018.

Тараққий этган мамлакатларда реал воқеликда аҳолининг қаришини глобал муаммосига асосан тўғилиш камайиш тенденциясига эга бўлиб, меҳнат қобилияти ёшдаги пенсия бадалини тўловчи шахслар улуши аста-секин қисқариб бормоқда.

Пенсия тизими тақчиллиги ва унинг самарадорлигини ошириш муаммосини стратегик жиҳатдан кўп даражали пенсия тизимини босқичама-босқич барпо этиш орқали ҳал қилиш зарур бўлади.

Пенсия тизимини молиялаштиришни такомиллаштириш куйидаги икки муаммо билан боғлиқ:

1) Пенсия жамғармаси даромадларини шакллантириш тартибининг тўғрилиги, мақсадга мувофиқлиги, илмий ва амалий жиҳатдан асосланганлиги, янги замонавий талабларга тўлиқ жавоб бераётганлиги, мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлашувидаги ўзгаришларнинг ўзида мужассам этганлиги ва ҳ.к.

2) Пенсия жамғармасидан қилинаётган харажатларнинг миқдори, ҳажми, кўлами, таркиби, уларнинг мақсадга мувофиқлиги, Пенсия жамғармасининг иқтисодий табиатига, вазифаларига мос келиши ва ҳ.к.

Пенсия жамғармаси харажатларини молиялаштиришда шу жамғарманинг ўзига тегишли бўлган маблағларнинг етарли эмаслиги билан боғлиқ. Муаммонинг мавжудлиги, албатта, янги меъёрий ва қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши, пенсия бадалларини йиғиш, уни мақсадли сарфлаш устидан назоратнинг кучайтирилиши натижасида кейинги йилларда пенсия тизимининг молиявий таъминотини барқарорлаштириш борасида жиддий ютуқларга эришилди. Пенсия жамғармаси ҳисобидан пенсияларни молиялаштиришда жиддий қарздорлик мавжуд эмас, олинган кредитлар тўлиқ қайтарилган.

Пенсия жамғармаси харажатлари таркибига пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация тўловлари ва бошқа тўловларни молиялаштириш тартиби белгилаб берилган.

1. Ишламайдиган фуқароларга:

- давлат пенсияларининг барча турлари;
- дафн маросими учун нафақалар;

– давлат пенсия таъминотига ҳуқуқи бўлмаган кекса ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар;

– қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамғарма маблағларидан молиялаштириладиган компенсация тўловлари ва бошқа тўловларни тўлаш учун.

## 2. Ишлайдиган фуқароларга:

– давлат пенсияларининг барча турлари;

– дафн маросими учун нафақалар;

– 16 ёшгача бўлган ногирон боланинг ота-оналаридан бирига, яъни васийга бир ойда қўшимча дам олиш куни учун тўловлар;

– қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамғарма маблағларидан молиялаштириладиган компенсация тўловлари ва бошқа тўловлар учун сарфланади.

## **1.2. Пенсия жамғармасы даромад ва харажатлар кўрсаткичларини прогнослаш методологияси.**

Прогноз юнонча сўзидан олинган бўлиб, олдиндан кўра билиш, башорат этиш маъноларни англатиб, келажакни илмий усуллар орқали истикболлаш тушунилади.

Прогноз - бу истикболдаги воқеа, ходисаларнинг илмий модели ҳисобланади, яъни келажакда объектнинг эҳтимолий ҳолати ҳақида ёки бу ҳолатга эришишнинг муддатлари ва альтернатив йўллари ҳақида илмий асосланган фикрлар, мулоҳазалар.

Прогнослаш деганда прогнозни ишлаб чиқиш, яъни маълум бир жараённинг ривожланиш аниқ келажакни махсус илмий тадқиқ этишдир.

Прогнослаш методологияси - прогнозлашнинг усуллари, йуллари, тизимлари ҳақидаги билимлар соҳасидир.

Прогнослаш услуби - прогнозни ишлаб чиқишнинг бир хил усуллари асосида келажак ҳақидаги маълумотларни олиш ва қайта ишлаш.

Амалиётда прогнозларни ишлаб чиқаришни 130 ҳил методлари мавжуд. Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни прогнослашда шартли равишда методларини 3 хил муҳим гуруҳларга бўлиш мумкин:

- Экстрополяция методи.
- Прогнозлашнинг эксперт баҳолаш методи.
- Моделлаштириш методи.

Прогноз деганда объектнинг илмий асосланган келажакдаги ҳолати ҳақидаги ва уни амалга ошириш йўлларини олдиндан билиш тушунилади. Прогнозларни ишлаб чиқиш жараёни прогнослаш дейилади. Прогнозлаш ҳудудий тараққиёт стратегиясини илмий асослаш ва минтақавий сиёсатни ишлаб чиқишнинг муҳим таркибий қисмидир. Прогнозларни ишлаб чиқишдан асосий мақсад – юз бераётган ва қутилаётган жараёнларнинг ривожланишини, минтақавий сиёсат ва уни амалга ошириш воситалари, у ёки бу бошқарув қарорлари оқибатларини баҳолашдан иборат.

Прогнозлаш - иқтисодий тартибга солиш жараёнининг бир босқичи ёки мамлакат иқтисодий-ижтимоий ривожланиш дастурини ишлаб чиқишнинг бир қисмидир. Прогнозлар директив характерга эга эмас, уларнинг миқдор баҳолари асосан эҳтимоллик характерига эга, улар кўпроқ даражада содир бўлган ривожланиш муаммоларини аниқлашга ва уларни ечиш йўлларини излашга қаратилган бўлади. Прогнозлашнинг мақсади асосий тамойиларни ва йўлларни ўрганиш асосида демографик жараёнларга боғланган ҳолда, бу соҳа тажрибаси ва амалиёти мисолида прогнозлашни амалий ўрганишдан иборат.

Прогнозлаштириш мамлакат иқтисодий бошқариш назарияси ва амалиётида катта аҳамиятга эга бўлиб у бошқарув ечимларни танлашда асос бўлиб хизмат қилади. Келажак мақсадларига эришиш учун эса ҳозирги пайтда иқтисодий ва демографик жараёнларга таъсир этиш йўлларини аниқлайди.

Прогнозни ишлаб чиқариш жараёни, қўлда ёки электрон ҳисоблаш машиналаридан фойдаланган ҳолда, ҳисоблаш натижаларини сифатли, малакали даражада кейинчалик тўғрилаш билан бажарилган ҳисоб-китоблардан иборат. Прогнознинг аниқлиги баҳолаш уни эҳтимол бўлган хатоларни ҳисоблаш йўли билан бажарилади. Бунинг учун прогноз натижалари амалда ҳамма вақт оралик кўринишда ўтказилади. Тайинли муддат келгандан сўнг янги прогноз қилиш учун янги, қўшимча маълумотлар ишлатилади.

### **Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг харажатлари прогнозини шакллантириш механизми**

1	Жамғарманинг ҳудудий бошқармалари томонидан ҳар йили 15 июндан кечикмаган ҳолда Жамғарманинг ижро этувчи аппаратига жорий йил учун харажатларнинг кутилаётган ижросини ва келгуси йилга Жамғарма харажатлари прогнозини тақдим этиш.
2	Келгуси йилга маблағлардан фойдаланиш йўналишлари бўйича Жамғарманинг харажатлари прогнозлари билан биргаликда) ишлаб чиқиш ва Жамғарманинг Кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун киритиш.



3	Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети қабул қилингандан ва келгуси йилга унинг асосий параметрлари тасдиқлангандан кейин беш кун муддат ичида Жамғарманинг ҳудудий бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар бўлимларига минтақалар кесимида тўловлар турлари бўйича келгуси йилга Жамғарма харажатларининг тасдиқланган асосий йўналишларини етказиш.
4	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси харажатларининг тасдиқланган кўрсаткичларини бажариш - Жамғарма маблағларини пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва компенсациялар тўлаш учун ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштириш, пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва компенсацияларни ўз вақтида тайинлаш ва тўловга юбориш, шунингдек маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини назорат қилиш.
5	Ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-кунига қадар ҳудудлар бўйича тўланган пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация тўловлари тўғрисидаги тезкор ахборотни, юридик шахсларнинг чораклик ва йиллик ҳисоботлари тақдим этилгандан кейин 15 кун мобайнида Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этиш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг харажатлари прогнозини шакллантириш механизмининг муҳим воситаси сифатида пенсия жамғармаси харажатларини мамлакатимиз солиқ тушумларидан даромадлар ва бошқа манбалардан келиб тушадиган даромадлар билан таққосланади. Таққосланиш учун одатда камида 4 ва 5 йиллик маълумотларни ўрганиб чиқилади. Харажатларни прогнозлаш мамлакатда пенсионерлар сонини ўсиб бориши динамикаси билан боғлиқ ҳолатда ўрганилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2010 йил 19 февралда № 30-сонли “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорнинг 5 бандида жамғарманинг даромадлари ва харажатларини шакллантириш тартиби келтирилган.

Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатларини юқори аниқликда прогнозлаштириш мураккаб жараён бўлиб, ижро этувчи аппарат ва ҳудудий бошқармалардан катта билим ва аниқ статистик маълумотларни талаб этади.

Бугунги замонавий илм-фан соҳасида прогнозлашнинг бир неча тури бор, аммо улардан бирортаси ҳам юқори аниқликдаги иқтисодий жараёнларни тўғри башорат қила олмайди.

Ҳар бир манбани прогнозлаштиришда, даромадларни прогнозлаштириш методологияси турли методик услубларга асосланади ва юқори аниқликдаги кўрсаткичларга кўра тегишли методика натижалари қабул қилинади.

Шундай қилиб, ҳар чоракда даромадларини прогнозлаштиришда қуйдаги методикалар қўлланилади:

- Даромадларни прогнозлаштиришнинг экстрополяция усули (ўтган йиллардаги даромадлар тушуми тенденцияси)
- Даромадларни ҳуқуқий прогнозлаш усули (махсулот сотиш ҳажми, тўловчилар сони, ихтиёрий суғурта ва ҳисобга олинган суғурта бадаллари )
- Вазирлик ва ташкилатларнинг маълумотларига асосан, шунингдек ривожланаётган саноат даромадлари бўйича.
- Даромадалрни прогнозлаштиришнинг эконометрик усул бўйича даромадларни прогнозлаш (иқтисодий кўрсаткичлар ва солиқ динамикаси ўртасидаги қонуниятлари).
- Даромадларнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва нарх конъюктураси (товар айрибошлаш) нисбатларини прогнозлаш усули.

Ҳар бир усул асосида модел (excel)да ишлаб чиқилади, уни ишлатиш учун қўлланма ва тушунтиришлар берилади:

- 1) Муайян манбани прогнозқилишнинг афзалликлари ва камчиликлар;
- 2) Тегишли бўлган мост методик услубдан фойдаланилади;
- 3) Ҳисоблашда бир нечта вариантлардан бирин танлаш бўйича қарор қабул қилиш.

Даромадларни прогнозлаштириш методологияси ижро этувчи аппарат ва ҳудудий бўлимлар томонидан амалга оширилади.

Ушбу услубиятнинг мақсади даромад манбалари бўйича миллий даражадаги даромадларни прогноз қилишдан иборат.

## **Молия ташкилотлари томонидан тавсия этилган прогнозлаш усуллари:**

1. Экстрополяция орқали даромадларни прогнозлаштириш усули (ўтган йиллардаги даромадлар тенденцияси) экстрополяциялаш иқтисодий жараёнларни прогноз қилишнинг кенг тарқалган усули ҳисобланади. Ушбу усул ёрдамида йирик тизимларнинг миқдорий параметрлари, иқтисодий, илмий, ишлаб чиқариш салаҳиятининг миқдорий кўрсаткичлари, илмий техник тараққиётнинг самарадорлиги ҳақидаги маълумотлар, индивидуал тизимлар, блоклар комплекс тизимлар кўрсаткичлари тизимдаги элементларнинг нисбати ва бошқалар экстрополяция қилинади.

Бироқ бундай прогнозлар амал қилиш муддати кўп жихатдан ҳодиса моҳиятига нисбатан “ўлчайдиган” экстрополяция даражаси ва чегараларига риоя этишни тақазо этмоқда. Бу мураккаб объектлар, битта параметр билан характерлаш мумкун эмас. Шу муносабат билан, қуйдаги статистик таҳлил ва экстрополяция тенденцияси амалларини қўйдагича қилиш мумкун:

- Биринчидан, муммонинг аниқ таърифи, тахмин қилинган объектнинг мумкун бўлган ривожланиши ҳақидаги фараз, ушбу объектнинг ривожланишини рағбатлантирадиган ва тўсқинлик қилувчи омилларни муҳокама қилиш, зарур экстрополяцияни ва унинг ишлаш доирасини аниқлаш керак;

- Иккинчидан, параметрлар тизимини танлаш, ҳар бир параметрга тегишли алоҳида ўлчов бирликларини бирлаштириш;

- Учунчидан, маълумотларни йиғиш ва тизимлаштириш. Уларни тегишли жадваллар киритишдан олдин, маълумотлар бир хиллиги ва унинг таққосланиши яни бир бор текширилади. Бази маълумотлар кетма-кет махсулотларга қаратилган бўлса, бошқалари фақат объектни тарифлаши мумкун;

- Тўртинчидан, агар юқоридаги талаблар бажарилса, экстрополяциялаш вақтида тўғридан тўғри ўрганилаётган статистик таҳлил ва маълумотларни миқдордаги ўзгаришлари ёки аломатларини аниқлашдан иборат.

Экстрополяция прогнозларида энг мухими, объектнинг ёки параметирнинг ўзига хос аҳамиятларини прогнозлаш эмас, балки йил давомида ривожланаётган тенденцияларнинг эгри чизикда жойлашган объектив равишда пайдо бўладиган силжишларни ўз вақтида ўрганишдир.

Экстрополяциянинг аниқлигини ошириш учун турли усуллар қўлланилади. Улардан бири, масалан, умумий ўсишнинг эгри экстрополяцияланган қисми тадқиқотнинг ўхшаш соҳаси ёки уни ишлаб чиқишда предмет объект олдиан объектнинг ривожлантиришнинг ҳақиқий тажрибасини инобатга олган ҳолда тузилади.

Трендининг асосий қонуний хараклари вақтида, тасодифий ва асосиз равишда тушунилади. Тренд – бу узоқ муддатли иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгаришидир. Вақтинчалик қаторларни башорат қилиш моделларини ишлаб чиқишда прогноз қилинган вақт сериясининг асосий компонентидир. Натижа вақт билан боғлиқ. Вақт-вақт билан барча асосий омилларнинг таъсирини ифодалаш мумкун.

Ривожланиш тенденцияси деганда унинг умумий йўналиши муддатли эволюцияси тушунилади. Одатда, бу тенденция кўп ёки камроқ текис тректория кўринишиджа тақдим этилади.

2. Ҳуқуқий усул –солиқлар ва тўловларни ҳисоблаш усули:

- Тартибга солувчи коэффициент;
- Солиқ ставкаси
- Йиғиш даражаси.

Ягона солиқ тўлови тушумлари бўйича прогноз қилишнинг ҳуқуқий усули.

1-усул. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари айланмаси бўйича аниқ маълумотлар кичик корхоналар ва микрофирмалар маҳсулотларини (ишларни, хизматларни) сотишдан олинган соф тушум солиқ оргинлари маълумотларидан олинади.

2-усул. Келгуси давр учун прогноз қилишда ялпи ҳудудий маҳсулот дефляторининг прогнозланган хажмига, шунингдек реал ялпи ҳудудий маҳсулот ўсишига кўпайтирган ҳолда аниқланади. Солиқ ставкаси прогнози тўғирилигини

таъминлаш мақсадида Пенсия жамғармаси, иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида савдо хажмининг прогноз кўрсаткичларидан фойдаланилади.

3. “Вазирлик ва идоралар маълумотлари асосида” прогнозлаш усули.

Ушбу усул бўйича пенсия жамғармасига тушадиган даромад вазирлик ва идоралар кесимида прогноз қилинади. Масалан, иқтисодиётнинг асосий тармоқларига тегишли тармоқ корхоналардан Пенсия жамғармасига даромадлар прогнози тўғрисида маълумот беради.

Пенсия жағармасига тушган тушумларнинг 60-70 фоизи вазирлик ва ташкилотлар томонидан тўланган ягона ижтимоий тўловларга тўғри келади, шунинг учун даромад келтирувчи вазирликлар ва ташкилотлар маълумотлари асосида прогнозлаш усули янада яхшироқ натижа бериши мумкин. Ягона ижтимоий тўловни тўловчилар (шу жумладан, вазирлик ва ташкилотлар таркибига кирадиганлар) солиқ оргинларига ягон ижтимоий тўловни тўлаш учун ҳисоб-китоблар тақдим этади. (жорий тўловларни ҳисоблаш учун маълумот).

4. Эконометрик (регрессия) усули. 2012 -2015 йилларда ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, тегишли солиқ солинадиган базага эга ташкилотларнинг ҳисоб китоблари ва тўловлари заифлашди, натижада бу усулни статистик аҳамиятга эга бўлмаган ҳолда ижобий натижаларсиз қўллаш мақсадга мувофиқ эмас.

**(3-жадвал) Суғурта тўловлари ва мажбурий тўловлар бўйича прогнозлаш усуллари.**

Ягона ижтимоий тўловдан чегирмалар	"Вазирликлаш ва ташкилотлар маълумотларига асосланган услуб"
Фуқароларнинг мажбурий суғурта тўловлари	"Вазирликлар ва ташкилотлар маълумотлари асосида" услуби, иш ҳақи фонди ва ходимларнинг сони.
Товарлар (ишлар, хизматлар) сотиш ҳажмидан мажбурий ажратмалар	Товарларни сотиш ҳажми "вазирлик ва ташкилот маълумотлари асосида" услуби
Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўлови	Даромадлар тушумининг экстрополяция усули (контент, улгуржи савдо, умумий овқатланиш, фармацевтика ташкилотлари)
Микрофирмалар ва кичик корхоналар	Даромадлар тушумининг

учун ягон солиқ тўлови	экстрополяция усуллари (саноат, қурилиш)
Якка тартибдаги тадбиркорларнинг суғурта тўловлари	Ҳуқуқий усул
Фуқароларнинг ихтиёрий суғурта тўловлари	Экстрополяция усуллари (ўтган даврга нисбатан қиёслаш)
Бошқа даромадлар	Экстрополяция усуллари

**(4-жадвал) Прогноз қилиш учун талаб қилинадиган ташқи маълумотлар**

<b>Номи</b>	<b>Мунтазам</b>	<b>Манба</b>
Молиявий натижалар	ҳар чорақда	Давлат статистика қўмитаси
Товар айрибошлар	ҳар чорақда	Давлат статистика қўмитаси
Кичик бизнес ва микрофирмалар сотишдан тушган тушум.	ҳар чорақда	Давлат статистика қўмитаси
Иш ҳақи фонди	йиллик	Вазирлик ва ташкилотлар
Ҳодимларнинг сони	йиллик	Вазирлик ва ташкилотлар
Ҳисобланган тушумлар ва қаризлар	ҳар чорақда	Давлат солиқ қўмитаси
Берилган имтиёзлар миқдори	чорақлик ёки йиллик	Давлат солиқ қўмитаси
Дебиторлик ва кредиторлик қаризлари.	ҳар чорақда	Вазирлик ва ташкилотлар
Тадбиркорлар сони	ҳар чорақда	Давлат солиқ қўмитаси
Молиявий оқимлар	ҳар чорақда	Вазирлик ва ташкилотлар

Экстрополяция усули:

Пенсия жамғармаси даромадларини, иқтисодий ўзгарувчанлигини инобатга олиб, экстраполяциялаш усули орқали прогноз қилиш мумкин.

R - Ўтган йилнинг шу даврига ўхшаш (ёки жорий давр учун кутилган тушим) X - ўртача ўсиш кўрсаткичлари


Ўтган йилнинг кўрсаткичларидан фойдаланилганда бирламчи (ёки жорий давир учун кутилаётган тушум) характердаги кўрсаткичларни киргизиш зарур.

Ўртача ўсиш – 5 йиллик ўртача –арифметик кўрсаткичларидирнинг ўсиш сурати.

Қўлланилаётган ўсиш ўртача кўрсаткичларини, мавжуд маълумотлар асосида ҳисоблаш имконияти йўқлигида фойдаланилади. Қўлланилаётган ўсиш мисоллари ЯИМнинг ўсиш прогнози, товарлар нархининг ўсиш прогнози индекси бўлиши мумкун.

**Экстрополяция башорат қилиш усулини қўйдаги схема бўйича ифодалаш мумкун**

(1.3.1-расм)



Ҳуқуқий усул Чегараланган суғуртани прогноз қилишда ҳуқуқий усуллардан фойдаланиш юқори аниқликдаги прогнозни тақдим этади.

**1-босқич.** Фаолияти тури бўйича мавжуд тадбиркорларнинг сони тўғрисидаги маълумотлар солиқ оргинларидан олинади.

Шунингдек иқтисодиётнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига кўра, белгиланган чегараланган суғурта даромадларини прогноз қилиш учун прогнозлаштирилаётган сон иқтисодий бўлимларнинг маълумотлари асосида аниқланади.

**2-босқич.** Чегараланган суғурта тушумлари учун даромад прогнози қуйдаги формуладан фойдаланиб ҳисобланади.



### **1.3. Пенсия фондининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўллари.**

2009 йил 30 декабрда қабул қилинган “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш, аҳолининг манфаатларини таъминлаш бугун мамлакатимиз раҳбари олиб бораётган сиёсатнинг устувор йўналишини ташкил қилади.

Ўтган йилларда, яъни 2016 йилда аҳолининг реал даромадлари 11 фоизга, ойлик иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар ўртача 40,0 фоизга ошди. Давлат бюджетининг ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий харажатлари 2016 йилда 59.1 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2017 йилда 59.7 фоиз, 2018 йилда эса 55.8 фоиздан ошириш кутилмоқда. Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда пенсия тизимининг ўрни жудаям катта. Бугун ушбу тизим 3 миллион нафардан ортиқ фуқаро ёки аҳолининг қарийб 10,2 фоизини қамраб олган.

2010 йилдан бошлаб пенсия тизимида олиб борилаётган ислохотлар натижасида пенсия тизимининг фаолияти яхшиланди. Ислохотлар натижасида пенсия тизимида амал қилаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам анча ўзгаришлар амалга оширилди.

Хусусан, 2011-йил 1-январдан пенсия қонунчилигига пенсиялар миқдорининг Пенсия жамғармаси маблағларини шакллантиришда фуқаролар ҳиссасига боғлиқлигини кучайтиришга қаратилган қатор ўзгартишлар киритилди. Айрим тоифадаги шахсларнинг пенсия таъминоти ҳуқуқи, иш стажини ҳисоблаб чиқишда меҳнат фаолиятининг баъзи даврларини ҳисобга олиш оптималлаштирилди.

Ижтимоий адолатни кучайтириш мақсадида ёшга доир пенсия тайинлаш учун меҳнат стажининг энг кам чегараси белгиланди. “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунга киритилган ва 2012-йилнинг 6-январидан

кучга кирган ўзгартишлар пенсия таъминоти ва унинг ижтимоий йўналтирилганлиги принципини изчил амалга оширишда ўз ифодасини топмоқда, бу ўзгартишлар натижасида ўтган даврлардаги иш ҳақини ҳозирги иш ҳақи даражасидан келиб чиқиб индексация қилиш механизми такомиллаштирилди.

Пенсия жамғармаси даромадларини шакллантиришда унинг манбаларига нисбатан ўрнатиладиган меъёрларнинг ўзгариши алоҳида аҳамиятга эга.

Пенсия жамғармаси бюджетининг узоқ муддатли молиявий барқарорлигини таъминлаш учун пенсия тизимини молиялаштириш ва маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш борасида қуйидаги муаммоларни ҳал этиш лозим:

– Аҳоли таркибида ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсияларининг юқорилиги.

– Пенсия жамғармаси даромад манбаларининг ўз вақтида шаклланмаётганлиги, яъни мамлакатимизда корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларининг мавжудлиги;

– Пенсия жамғармаси даромадлари таркибида корхона, ташкилот ва муассасаларнинг иш ҳақи фондидан ажратиладиган ажратманинг йилдан-йилга камаётганлиги;

– Пенсия тизимида ишлатилаётган компьютер дастурининг мукамал эмаслиги;


– имтиёзли пенсияларнинг пенсия жамғармаси харажатларидаги салмоғининг юқорилиги;

– ҳарбий хизматчиларга пенсия тўлашнинг пенсия жамғармаси молиявий барқарорлигига салбий таъсири;

– давлат олдида алоҳида хизмат кўрсатган фуқароларга бериладиган пенсия имтиёзларининг пенсия жамғармаси томонидан қопланиши.

Мамлакат пенсия жамғармасининг келажакда юз бериши мумкин бўлган бюджети дефицитини йўқотиш ва узоқ муддатли молиявий барқарорлигини таъминлаш учун пенсия тизимини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши лозим (1.2.1-расм).

## Пенсия тизими молиявий барқарорлигини таъминлаш ва такомиллаштириш йўналишлари



## Пенсия тизими молиявий барқарорлигини таъминлаш ва такомиллаштириш йўналишлари<sup>3</sup>

Тариф сиёсатини такомиллаштиришда пенсия ҳуқуқини шакллантириш аввалги йиллардаги пенсионерлар олдидаги пенсия мажбуриятларини молиялаштириш манбаи ҳисобланади. Ушбу мажбурият ўтиш давридаги объектив бирдамлик мажбуриятдан келиб чиқиб, бир томондан ишловчилар ва иккинчи томондан иш берувчи ва давлатга қўшимча юк бўлиб тушади. Ушбу қўшимча мажбурият пенсия тизимининг ҳамма қатнашчилари учун иқтисодий жиҳатдан мувозанатлашган бўлиб суғуртачилар ва бюджет ўртасида тақсимланиши лозим. Давлат томонидан тариф сиёсатини тартибга солиш учун тўғридан-тўғри бадаллик ставкаси оширилиши ёки билвосита суғурта тўлови ҳисобланишида регрессив ёки прогрессив шкала жорий қилинишида суғурталанадиган даромад чегараси даражаси қайта кўриб чиқилиши орқали амалга оширилиши мумкин:

- давлатнинг тариф сиёсати тартибга солинишида меҳнат бозорининг расмий ва норасмий сектори, жумладан, ўзини-ўзи бандлик билан таъминловчи

<sup>3</sup>Ўқув адабиётлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

аҳоли, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари суғурта йили қийматидан келиб чиққан ҳолда бадал тўлайди. Шу сабабга кўра, тариф сиёсатини такомиллаштириш ўзини-ўзи бандлик билан таъминловчи қисмини қарилликдаги моддий таъминотини кенгайтириш учун уларга нормал бадаллар тўлаш орқали суғурталанган шахсларга меҳнат пенсияларини шакллантириш ҳуқуқи берилиши лозим.

Жаҳондаги ривожланган мамлакатларда пенсия тизимларини ислоҳ қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар умуман олганда эҳтиёткорлик билан аста-секин, муҳим таркибий ўзгартириш ўрнига кўпроқ параметрик тузатишлар кўринишида ўтказилмоқда. Аммо шунга қарамай уни ўтказишда муайян қийинчиликлар ҳам учрамоқда. Масалан, пенсия ёшини кўтариш ва қариялар меҳнат фаолиятини рағбатлантириш ишсизлик даражаси паст бўлганидагина маънога эга бўлади, жамғариб бориш тамойилларини жорий этиш эса фақат пенсия жамғармалари оқилона инвестиция қилингандагина фойда келтириши мумкин (масалан, бу маблағлар давлат қарзи ёки бюджет дефицитига эмас, реал сектордаги ишлаб чиқариш инвестицияларини молиялашга йўналтирилганда).

Ғарб мамлакатларида пенсия тизимларини ислоҳ қилишдаги эҳтиёткорлик ва босқичма-босқич амалга оширилишининг сабаби шундаки, бу соҳадаги ҳар қандай қатъий ҳаракатлар жамоатчилик томонидан маъқулланмаслиги мумкин, чунки ислохотлар пенсия суғуртасининг ижтимоий ҳамжиҳатлик ва ижтимоий адолат каби туб тамойилларини қайта кўриб чиқишга олиб келади.

Жаҳондаги пенсия тизимлари тараққиётининг ҳозирги босқичида шундай хулоса қилиш мумкинки, нодавлат пенсия шаклларига қизиқишнинг ортиб бораётганлигига қарамай, ривожланган мамлакатларда пенсия ислохотларнинг асосий йўналиши – бу шаклланган тақсимот тартибларининг шароитларга мослаштириш бўлиб қолди. Бу борада Европа мамлакатлари, АҚШ, Японияда муайян ишлар амалга оширилди.

Аммо шунга қарамай, давлат хизматчилари ва мутахассислар ўртасида давлат таянч пенсияларини кафолатлаш лозим, айти вақтда нодавлат мулкчилик шаклидаги жамоавий ва яқка тартибдаги пенсия шаклларига кенг йўл бериш

керак, деган иктисодий ёндошув тарафдорлари тобора кўпайиб бормоқда. Масалан, АҚШда Федерал резерв хизмати маълумотларига кўра ўтган асрнинг 90-йилларида фақат аҳолининг 30% узок муддатли жамғармаларга эга бўлган, бошқа маълумотларга кўра хонадон хўжалиklarининг фақат 20% ўз келажagini режалаштириб, жамғарма маблағ тўплаган, қолганлари давлатга ишонган. Ушбу маълумотларни эътиборга оладиган бўлсак, фуқароларни пенсия жамғармаларини мустақил шакллантириш зарурлигига ишонтириш учун пенсия тизимларини ислох этиш учун ҳали кўп иш қилиш талаб этилади.

Амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижаларининг кўрсатишича, ҳозирги пайтда мамлакатимизда мавжуд бўлган пенсия тўланмаларининг амалдаги миқдори пенсия бадаллари тарифларининг амалдаги даражасига тўлиқ мос келмайди. Бошқача сўзлар билан айтганда, пенсияларнинг миқдори (суммаси) ва иш ҳақининг миқдори (суммаси) ҳамда тўланган бадалларнинг миқдори (суммаси) ўртасида кучли иктисодий (молиявий) боғлиқлик мавжуд эмас. Шу сабабли бу масала, Пенсия жамғармаси даромадлар базасини мустаҳкамлашнинг энг муҳим жиҳатларидан бири сифатида қаралмоғи ва бу борада тегишли ишлар амалга оширилиши лозим.

Мамлакатимиз фуқаролари ўзларининг жинсий белгилари ва алоҳида касбий фаолиятларига мувофиқ Пенсия жамғармасининг даромадларини шакллантириш ва унинг харажатларидан фойдаланишда бир хил даражада иштирок этмайдилар. Тўлиқ пенсия ҳуқуқини олиш учун, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, аёлларга 20 йил ва эркакларга 25 йил давомида Пенсия жамғармасининг даромадларини шакллантиришда иштирок этишнинг ўзи етарли. Умумий асосларда тайинланадиган ёшга доир пенсия эркаклар учун 60 ёш ва камида 25 йиллик меҳнат стажига эга бўлганда ва аёллар учун эса 55 ёшга тўлганда ҳамда 20 йиллик иш стажига эга бўлганда тайинланади. Бирок, охириги йилларда мамлакатимизда ўртача умр кўриш аёлларда – 75 йилни ва эркакларда эса – 73 йилни ташкил этаётганлиги эътиборга олинадиган бўлса, Пенсия жамғармасининг харажатлар қисмида аёлларнинг иштироки ҳиссаси эркакларникидан икки мартадан юқорироқ эканлиги маълум бўлади. Бунинг

устига, уларнинг Пенсия жамғармаси даромадлари қисмида эса иштироки эркакларникига нисбатан анча паст. Бизнинг амалга оширилган ҳисоб-китобларни натижаларига караганда, мамлакатимиздаги пенсияларнинг ўртача даражаси иш ҳақи ўртача даражасининг 26,2%ига тўғри келмоқда. Тадқиқот жараёнида яна шу нарса маълум бўлдики, пенсия миқдорларини тайинлаш ва уларни қайта ҳисоб-китоб қилишда қўлланиладиган айрим коэффицентларда ҳам маълум бир камчилик ва хатоликлар мавжуд. Чунки амалдаги тартибга мувофиқ, ўртача пенсиянинг таянч миқдори ўртача иш ҳақининг энг камида 55%ига тўғри келиши керак.

Юқорида таъкидланганидек, пенсия миқдорларини белгилашда Пенсия жамғармасининг даромад қисмида фуқароларнинг қатнашувини жинсий белгилар бўйича баҳолашда ҳам талайгина фарқлар мавжуд. Шу муносабат билан Пенсия жамғармасининг даромадлар базасини мустаҳкамлаш учун бу соҳада ҳам тегишли ўзгаришларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ мамлакатимиз аҳолисининг айрим гуруҳлари ва тоифаларига Пенсия жамғармасининг даромадлар қисмини шакллантиришда иштирок этмаслик ҳуқуқи берилган. Аҳолининг бундай тоифалари ёки гуруҳлари қаторига ҳарбий хизматчиларни кўрсатиш мумкин. Шунингдек, аҳолининг кўпгина тоифалари ва гуруҳларига меҳнат стажини икки карра ҳисоблаш кўринишида имтиёзлар берилган. Масалан, муддатли хизматни ўтаган ҳарбий хизматчиларнинг бир йиллик хизмати икки йиллик иш тарзида ҳисобга олинади. Биринчи гуруҳ ногиронлари ва 16 ёшгача бўлган ногирон болаларнинг парвариши, болалар уч ёшга тўлгунига қадар уларни парваришлаш даврларида ишламаслик, олий ўқув юртларида ўқиш даврлари ва бошқалар меҳнат стажига қўшилади. Пенсияларга ҳеч қандай қўшимча молиявий манбалар билан таъминланмаган турли устамаларни қўллаш амалиёти ҳам кенг тарқалган.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, Пенсия жамғармаси даромадларини шакллантиришдаги муаммоларнинг бир қисми, кўп жиҳатдан, имтиёзли пенсия таъминоти муаммоларига бориб тақалади. Чунки режали иқтисодиётда имтиёзли пенсиялар ходимларнинг айрим тоифаларига зарарли

меҳнат шароитлари учун ўзига хос тарздаги қоплама тўловлар шаклида мавжуд бўлган. Аммо ҳозирги шароитда, яъни корхоналар иш ҳақи миқдори ва тўлов шакллари ўзлари мустақил белгилайдиган бозор муносабатлари шароитида имтиёзли пенсия таъминотининг дастлабки функцияси тўлиқ ўз мазмунини йўқотди. Шундай бўлишига қарамасдан, зарарли ва ўта зарарли ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар ҳамон илгаргидек жамият оғир ва зарарли ўта зарарли меҳнат шароитлари учун уларнинг саломатлигига етказилган зиённи қоплаши шарт деб ўйлайдилар. Аслида эса, бундай мақсадларни кўзда тутган қоплама уларнинг олаётган иш ҳақлари миқдorigа қўшимча равишда қўшилиши лозим. Бу ерда масаланинг бошқа бир жиҳати ҳам бор. Гап шундаки, ҳозирги шароитда, яъни ишлаб чиқаришга замонавий технологиялар ва механизмларнинг жорий этилиши натижасида кўпгина иш ўринларидаги меҳнат шароитлари, олдингидек, зарарли ва оғир эмас. Баъзи бир сабабларга кўра, хўжалик юритувчи субъект бундай технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этмаётган бўлса, унда бундай корхонанинг ўзи жамиятни қўшимча молиявий юкдан озод қилиб, тегишли ходимнинг муддатидан олдин пенсияга чиқишини таъминлаши ва уни белгиланган тартибда қоплаши керак. Ишнинг бундай тарзда юритилиши, бозор иқтисодиётининг тегишли талабларига тўлиқ мос келади.

Амалиётнинг кўрсатишича, Пенсия жамғармаси даромадларини барқарорлаштиришнинг бош омили меҳнат стажининг узок давом этишини эмас, балки юқори иш ҳақига эга бўлишни рағбатлантирувчи механизм ҳисобланади. Буни биз пенсияларнинг амалдаги таркибий тузилмасини таҳлил қилиш натижасида аниқлашимиз мумкин. Унга кўра ҳозирги пайтда, пенсияларнинг асосий қисми, яъни уларнинг ўртача 60%дан ортиқроқ бўлган қисми иш ҳақи ҳисобидан шаклланаётган бўлса, қарийб 22%га яқин бўлган қисми эса талаб қилинаётган стаж ҳисобидан таркиб топмоқда<sup>4</sup>.

Мамлакатимизда Пенсия жамғармасининг даромадларини шакллантиришда унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида кейинги йилларда рўй бераётган ўзгаришлар, яъни иқтисодиётни бошқаришнинг номарказлашуви, аҳоли даромадлари

---

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлар вазирлиги маълумотлари асосида ҳисоб-китоб қилинган.

табақалашувининг ўсиши, меҳнатга ҳақ тўлашдаги тармоқ, ҳудудий ва малакавий фарқларнинг мавжудлиги ва ҳ.к.лар ҳам ҳисобга олинмоғи лозим. Хусусан, мамлакатимиздаги аҳолининг демографик таркибий тузилмаси ўзига хос бўлиб, унга кўра, дунёнинг барча тараққий этган мамлакатларида қариганлар сонининг аҳоли умумий сонидagi салмоғи ортиб бораётган пайтда, Ўзбекистонда бу кўрсаткичнинг ўсиш суръатлари бу мамлакатларникидан анча паст ҳисобланади ва Пенсия жамғармаси даромадларини шакллантириш нуқтаи-назаридан ўзига хос бўлган қулай вазиятни вужудга келтиради. Шунингдек, аҳоли даромадларининг тармоқлар ва минтақалар бўйича табақаланиши, мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти суръатларининг янада жадаллашуви муносабати билан Пенсия жамғармаси даромадларини шакллантиришнинг таркибий тузилмасида ўз таъсирини кўрсатади.

Бугунги кунда Пенсия тизимида соҳа самарадорлигини ошириш, тезкор ва аниқ ҳисоботларни шакиллантириш, пенсия ва нафақаларни тайинлаш ҳамда тўлашда инсон омилини камайтириш орқали жамғарма маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан тезкор назоратни таъминлашда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш ўз самарасини бермоқда.

Пенсия жамғармасига тушумларни узлуксиз тушишини таъминлаш ва даромадларни самарали бошқаришда юзага келаётган муаммолар куйдагиларда намаён бўлмоқда:

– Пенсия тизимида истиқболда аҳолининг пенсия ва нафақага муҳтож қатламини аниқлаш аниқлаш ва шундан келиб чиқиб, пенсия жамғармаси даромад ва харажатларини прогнозлаштириш методологиясининг ривожланмаганлиги;

– Пенсия жамғармаси маблағлари шу жумладан, тушумлар узлуксизлигини таъминлаш борасида тезкор мониторинг жараёнида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишдаги муаммолар;

– Пенсия жамғармаси маблағларини бошқаришнинг истиқболли дастурларни ишлаб чиқарилмаганлиги ва истиқболда жамғарма даромадлар базасини оширишда бозор механизмларини жорий этишдаги чекловларнинг мавжудлиги;



– Тизимда пенсия ва нафақалар тайинлашдаги ҳисоб-китоб механизмларининг мураккаблиги ва мукамал даражада шакилланмаганлиги.

**(5-жадвал) Пенсия жамғармасига мажбурий суғурта бадаллари тўловчилар таҳлили (2017 йил)<sup>5</sup>**

*(минг киши)*

№	Худуд	Суғурта бадали тўловчилар				
		Жами	Эркак	Ҳоиз (жамига нисбатан)	Аёл	Ҳоиз (жамига нисбата н)
1	Қорақалпоғистон Республикаси	235,8	134,5	57,0	101,3	43,0
2	Андижон вилояти	334,9	185,5	55,4	149,4	44,6
3	Бухоро вилояти	294,3	182,2	61,9	112,1	38,1
4	Жиззах вилояти	145,9	91,2	62,5	54,7	37,5
5	Қашқадарё вилояти	368,8	233,0	63,2	135,8	36,8
6	Навоий вилояти	192,2	121,6	63,3	70,6	36,7
7	Наманган вилояти	284,9	164,5	57,7	120,4	42,3
8	Самарқанд вилояти	383,9	233,5	60,8	150,5	39,2
9	Сурхондарё вилояти	256,5	164,4	64,1	92,1	35,9
10	Сирдарё вилояти	120,0	72,0	60,0	48,0	40,0
11	Тошкент вилояти	469,4	297,9	63,5	171,5	36,5
12	Фарғона вилояти	477,1	265,8	55,7	211,3	44,3
13	Хоразм вилояти	233,2	129,6	55,6	103,6	44,4
14	Тошкент шаҳри	862,8	558,8	64,8	303,9	35,2
	<b>Жами</b>	<b>4 659,7</b>	<b>2 834,5</b>	<b>60,8</b>	<b>1 825,2</b>	<b>39,2</b>

<sup>5</sup>Пенсия жамғармаси маълумоти.



3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики буган Пенсия жамғармасига суғурта бадалини тўлаётган ишловчилар улуши сезиларли даражада камлиги маълум бўлмоқда.

Пенсия жамғармаси самарали ишлаши учун бир пенсионерга 3 нафар ишловчи тўғри келиши керак. Шундагина пенсия жамғармасига суғурта бадаллари барқарор келиб тушади ва пенсионер тўловларни ўз вақтида олади. Бугун Ўзбекистонда 18 миллиондан ортиқ иқтисодиётда меҳнат қилиш қобилиятига эга фуқаролар бўлиб, шундан 14.2 миллион киши расман ишляпти ва уларнинг 10.5 миллиони Халқ банкида ўзининг жамғариб бориладиган ҳисоб рақамига эга.

Бироқ шундан 4.6 миллиони мутассил равишда бадалларни тўлаб туради. Демка 3.3 миллион пенсионер бўлса, 1 нафар пенсионерга 1.5 нафар ишловчи тўғри келмоқда.

Бундан шуни тушуниш мумкунки Ўзбекистонда яширин секторнинг улуши кўп уни олдини олиш ва легаллаштириш керак. Агар тегишли чоралар кўрилмаса яқин йилларда Жамғарманинг даромад ва харажат мувоззанатини бузилишга олиб келади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 февралда “Чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш тартибини, шунингдек уларнинг пенсияни ҳисоблаш учун олинадиган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги 46- сон қарор қабул қилинди.

Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

- Чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс.
- Солиқ агенти ҳисобланмаган иш берувчидан даромад олувчи ходим.
- Якка тартибдаги тадбиркор.
- Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклида. фаолиятни амалга оширувчи оила аъзоси.
- Деҳқон хўжалиги аъзоси.

Чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс, солиқ агенти ҳисобланмаган иш берувчидан даромад олувчи ходим, шунингдек деҳқон хўжалиги аъзоси (деҳқон хўжалиги бошлиғидан ташқари) Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини ихтиёрий равишда тўлайдилар.

Якка тартибдаги тадбиркор ва деҳқон хўжалиги бошлиғи Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини мажбурий равишда тўлайдилар.

Оилавий тадбиркорлик субъекти оиласи аъзоси учун Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўлаш бўйича мажбурият оилавий тадбиркорлик субъекти номидан иш юритадиган, якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзосига юкланади.

Шахсий ёрдамчи хўжаликларда қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлган, шунингдек шахсий ёрдамчи

хўжаликларда кишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа турларини (ўсимликшунослик, чорвачилик, балиқчилик маҳсулотлари) етиштириш билан банд бўлган жисмоний шахслар бўйича суғурта бадалларини тўлаш ва ҳисобини юритиш ушбу Низомда деҳқон хўжалиги аъзоси учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади

Якка тартибдаги тадбиркор томонидан ёлланган ходимлар суғурта бадаллари ҳисобини юритиш ушбу Низомда оилавий тадбиркорлик субъекти оиласи аъзоси учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Ушбу 2016 йил қабул қилинганга қарамасдан қарорнинг мазмун моҳиятини ва имкониятларини фуқароларимиз эндигина тушуниб етишмоқда. Буни 4-жадвал маълумотларидан ҳам кўришимиз мумкин.

**(6-жадвал) 2015-2018 йилларда Пенсия жамғармасига ҳақиқатда келиб тушган ихтиёрий суғурта бадаллари<sup>6</sup>**

*(млн.сўм)*

Кўрсаткич	Йиллар			
	2015	2016	2017	2018
Тушум	89,9	96,1	115,9	732,7
Ўсиш (олдинги йилга нисбатан)	128,2%	106,9%	120,6%	632,3%

Мамлакатимизда пенсия таъминотини ташкил қилиш ва бошқариш тизимининг таркибий тузилмасини таҳлил қилиш натижасида унинг қонунчилик ва ижроия функцияларини назорат қилиш бир неча давлат органлари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Пенсия жамғармаси, банк муассасалари ва алоқа ташкилотлари орқали амалга

<sup>6</sup> Пенсия жамғармасининг биринчи чорак ҳисоботи

оширилаётганлигини аниқлашимиз мумкин. Булардан кўриниб турибдики, Пенсия жамғармасининг даромадларини шакллантиришда бевосита дахлдор бўлган функцияларнинг айримлари, хусусан, пенсия суғурталарига ёки пенсия бадалларини йиғишга тегишли бўлганлари бир органга, пенсия ишларини расмийлаштириш – иккинчи органга, пенсия тўланмаларини амалга ошириш эса – учинчи органнинг зиммасига юкланган ва ҳ.к. Бундай ҳолатнинг мавжудлиги, ўз навбатида, жумладан, Пенсия жамғармаси даромадларини шакллантириш ва улардан фойдаланишнинг самарадорлигини оширишга ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Шунинг учун, бу масалага ҳам анча ойдинлик киритиб олиш мақсадга мувофиқ.

Пенсия жамғармасининг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган амалдаги харажатларнинг таркибига ўзгартириш киритиш зарур:

- а) ишламаётган пенсионерларга пенсияларни тўлаш;
- б) ишлаётган пенсионерларга пенсияларни тўлаш;
- в) дафн нафақаларини тўлаш;
- г) бошқа харажатлардан иборат.

Пенсия жамғармасидан молиялаштирилаётган харажатларнинг таркиби фақат юқорида келтирилганларнинг дастлабки иккисини, яъни ишлаётган ва ишламаётган пенсионерларга пенсияларни тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаб олиш билан чекланиши лозим.

Пенсия тизимини молиялаштиришни такомиллаштиришнинг замонавий йўналиши сифатида бундай йўлни тутишнинг сабаблари, бизнингча, қуйидагилардан иборат:

а) Пенсия жамғармаси ва ундан молиялаштириладиган харажатларнинг мақсадга мувофиқлиги, том маънода, таъминланади;

б) Пенсия жамғармасининг иқтисодий табиатига унчалик тўлиқ мос келмайдиган харажатларнинг бу жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишига чек қўйилади;

в) Пенсия жамғармаси ҳисобидан қилинадиган харажатларнинг миқдори камаяди.

г) Пенсия жамғармасидан қилинадиган харажатларнинг қисқариши натижасида, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, бу жамғарманинг ўзига тегишли бўлган харажатларини, яъни ишлаётган ва ишламаётган пенсионерларга пенсияларни белгиланган миқдорда ва ўз вақтида тўлаш билан боғлиқ бўлган молиявий имконияти ошади;

д) Бир вақтнинг ўзида, Пенсия жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилаётган харажатлар миқдорининг камайиши натижасида Пенсия жамғармасига бу жамғарманинг даромадлари ҳисобланмайдиган бюджет дотациялари, Йўл фондининг маблағлари, давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушумлар, Республика бюджетининг йил бошидаги қолдиқ суммаларини жалб қилишга эҳтиёж камаяди ёки улардан бутунлай фойдаланмасликка олиб келиши мумкин.

“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 23 августдаги 351-сонли “Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларни ва деҳқон хўжаликларининг аъзоларини давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги қарорига, Пенсия жамғармасининг даромадлар базасини мустаҳкамлаш нуқтаи-назаридан, белгиланган тартибда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши керакки<sup>7</sup>, аввало, уларда бу жамғарманинг молиявий маблағларини ҳосил қилишда, олдинги кўзда тутилганлардан ташқари, норасмий секторда фаолият кўрсатаётган фуқаролар ва ўзи билан ўзи банд бўлган фуқароларнинг ҳам мажбурий тарзда иштирок этиши ва фақат шу ҳолдагина уларга қариллик, ногиронлик ёки боқувчисини йўқотганлик ҳолларида пенсияларнинг кафолатланишини қонуний тарзда белгиланиб қўйилмоғи лозим. Бир вақтнинг ўзида, агар фуқаролар пенсия суғуртасига мажбурий тарзда жалб қилинмаса, у ҳолда фуқароларнинг бундай тоифасига нисбатан ихтиёрийлик ва бошқа

---

<sup>7</sup> Шу муносабат билан бу ерда кейинги йилларда, хусусан, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 8-, 9-, 12-, 15-, 26-, 27-, 29-, 37- ва 49-моддаларига тегишли ўзгартиришлар киритилганлигини қайд этиб ўтиш лозим.

асосларда пенсия ва ижтимоий суғуртанинг бошқа нодавлат шакллари ташкил қилишни йўлга қўймоқ лозим.

Шунингдек, бу ерда амалдаги қонунларга қўшимча равишда яна бир неча муҳим қонунларни, хусусан, “Нодавлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”, “Нодавлат Пенсия фонди тўғрисида” қонунларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга жорий этиш, бизнингча, алоҳида аҳамиятга эга. Бир вақтнинг ўзида, бу жараёнда Пенсия жамғармаси маблағларининг нафақаларга ишлатилишининг олдини олиш учун “Муҳтож оилаларга ижтимоий ёрдам тўғрисида” махсус қонунни ҳам ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва ҳаётга тадбиқ этиш лозим.

Юқорида қайд этилганлар билан бир қаторда, Пенсия жамғармасининг даромадлар базасини янада мустаҳкамлаш масаласида унинг қўшимча молиявий манбаларини қидириб топиш алоҳида рол ўйнаши керак. Шу муносабат билан бу ерда, қуйидагиларга эътибор бермоқ лозим:

– пенсия амалиётида ҳамон амал қилиб келаётган “иш стажи” тушунчасидан воз кечиб, унинг ўрнига амалиётга “суғурта стажи” тушунчасини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бунинг маъноси шундан иборатки, юқорида тартибнинг амалиётга жорий этилиши пенсияларни ҳисоблашда фаолиятнинг фақат мажбурий пенсия бадаллари тўланган даврларини ҳисобга олинишини англатади.

Юқоридаги чора-тадбирларни амалга оширилиши Пенсия жамғармасининг бевосита мақсадига мос келиб, пенсия тизимини молиялаштиришни такомиллаштиришга ва самарадорлигини оширишга таъсир кўрсатади.

Пенсия тизимини молиялаштиришни такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишларини белгилашда, қуйидаги икки жиҳатига эътибор бермоқ лозим:

– пенсия тизимини ислоҳ этишнинг жаҳон илғор тажрибасини ўрганиш ва ундан Ўзбекистонда ижобий фойдаланиш имкониятларини аниқлаш;

– иқтисодийни модернизациялаш шароитида иқтисодий илоҳотларни чуқурлашуви талабларини ҳисобга олган ҳолда пенсия тизимини молиялаштиришни такомиллаштиришнинг йўналишларини белгилаш.

Пенсия тизимини молиялаштиришни такомиллаштириш қуйидаги икки реал ҳолатга бориб тақалади:

а) Пенсия жамғармасидан қилинаётган харажатларнинг миқдори, ҳажми, кўлами, таркиби, уларнинг мақсадга мувофиқлиги, Пенсия жамғармасининг иқтисодий табиатига мос келиши;

б) Пенсия жамғармаси даромадларини шакллантириш тартибининг тўғрилиги, мақсадга мувофиқлиги, илмий жиҳатдан асосланганлиги, иқтисодиётни модернизациялаш ва иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш талабларга тўлиқ жавоб бераётганлиги;

Пенсия тизимини молиялаштиришни такомиллаштиришни қуйидаги йўналишларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

– Пенсия жамғармасининг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган амалдаги харажатларнинг таркибига тегишли ўзгартиришлар киритиш зарур. Пенсия жамғармасидан молиялаштирилаётган харажатларнинг таркиби фақат ишлаётган ва ишламаётган пенсионерларга пенсияларни тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаб олиш билан чекланиши лозим.

– Пенсия жамғармаси даромадлар базасини янада мустаҳкамлаш ва барқарорлигини таъминлаш йўналишида тегишли ишларни амалга ошириш лозим. Бунинг учун: а) тўланадиган ойлик пенсия бадаллари миқдорининг унинг тўловчилари ўртасида сезиларли фарқларни камайтириш; б) мамлакатимизда амал қилаётган пенсия тўланмаларининг миқдори билан пенсия бадаллари тарифларининг даражаси ўртасида мосликни таъминлаш; в) мамлакатимиз фуқароларининг жинсий белгилари ва алоҳида касбий фаолиятларига мувофиқ Пенсия жамғармасининг даромадларини шакллантириш ва унинг маблағларидан фойдаланишда бир хил даражада иштирок этишга эришиш; г) пенсияларга қўшимча молиявий манбалар билан таъминланмаган турли устамаларни қўллаш амалиётига чек қўйиш; д) имтиёзли пенсия тизимини қаятия қайта кўриб чиқиш ва уни тартибга солиш; е) пенсия бадалларини тўлашда аҳолининг ишлайдиган қатламини қамраб олишни максималлаштириш зарур;



– Пенсия жамғармасининг даромадлар базасини янада мустаҳкамлаш ва барқарорлигини таъминлашда қўшимча молиявий манбаларни излаш алоҳида рол ўйнаши керак. Бунинг учун, а) ҳарбий хизматчиларнинг пенсияларини тўлашни давлат бюджетининг харажатлари ҳисобидан амалга оширилишига тўлиқ эришиш; б) ишламайдиган ёлғиз қарияларга, 16 ёшгача бўлган ногирон болаларга ва болалигидан ногиронларга ижтимоий нафақаларни тўлаш тартибини ўзгартириш; в) давлат ва жамият олдидаги алоҳида хизматлари учун пенсия суммаларига қўшиладиган устамалар Пенсия жамғармасининг маблағлари ҳисобидан эмас, балки давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишига эришиш мақсадга мувофиқдир.

**Пенсия фонди молиявий самарадорлигини тадқиқ этишда бир қатор вазифаларни тўғри ва аниқ йўлга қўйиш талаб этилади.**

Жаҳон амалиётининг кўрсатишича пенсия тизимининг самарали ва молиявий барқарор фаолият кўрсатиши учун қуйдаги талабларга жавоб бериши лозим:

**1.** Ижтимоий самарали – пенсиялар суғурта қилинган ишловчиларни турмуш даражасини сақлаб қолиш ва суғурта қилинмаганларни қамбағаллашувига йўл қўймаслик лозим;

**2.** Шахсий адолат – пенсиялар меҳнат фаолияти жараёнида тўлаган суғурта миқдорига мутаносиб равишда меҳнат даромадларини йўқотишини қоплаш лозим;

**3.** Иқтисодий қулайлик – пенсия бадаллари хўжалик субъектлари, фуқаролар учун молиявий жиҳатдан оғир бўлиши керак эмас;

**4.** Суғурта фондларининг молиявий барқарорлиги - узоқ муддатли истиқболда пенсия тўловлари аниқ ва кафолатланган бўлиши лозим;

**5.** Мажбурий иштирок – пенсия тизими мажбурий тўловлар ҳисобига шакилланиши лозим;

**6.** Пенсиянинг таъминланганлиги – пенсия олиш ҳуқуқига тўлаган бадаллар ҳисобига эришиш, унинг қиймати пенсия бадаллари қиймати ва тўловининг давомийлигига боғлиқ бўлиши зарур;

**7.** Пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини мунтазам баҳолаб бориш лозим.

## **2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ.**

### **2.1. Ўзбекистонда Пенсия жамғармасининг даромадлари ва харажатларини бошқариш амалиёти.**

Кейинги йилларда республикамиз пенсия тизимидаги туб ўзгаришлар соҳани янги талаблар асосида қайта кўриб чиқишни тақазо этмоқда. Жумладан, 2009 йил 30 декабрдаги Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони айтиш мумкинки, пенсия таъминоти ташкилий тизимини янада такомиллаштириш имконини берди.

Мазкур фармон асосида Пенсия жамғармаси томонидан пенсия ва ижтимоий нафақаларни ўз вақтида, тўлиқ миқдорда молиялаштириш, тўловлар устидан мониторинг юритиш, пенсия таъминотига йўналтириладиган маблағларнинг мақсадлилиги ва назоратини кучайтириш борасида бир қатор вазифалар белгилаб берилди. 2010 йилдан бошлаб Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар ва Тошкент шаҳарида 14 та ҳудудий бошқармаси ҳамда 196 та туман (шаҳар) бўлимларига пенсия ва нафақаларни тайинлаш, тўловини мониторинг қилиш, уларнинг ҳисобини юритиш ишлари юклатилган.

Алоҳида қайт этиш керакки, Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатлари мутаносиблигини таъминлаш, харажатлар устидан самарали назорат тизимини йўлга қўйиш, даромадлари ўз вақтида шакиллантириш, тушумларнинг узликсиз тушишини таъминлашулар самарали фаолиятининг муҳим омилли ҳисобланади.

Тайинланган пенсия ва нафақаларни ўз вақтида ва белгиланган ҳажимда маблағ билан узлуксиз таъминлашда пенсия жамғармаси даромадларини барқарор даражада бўлишини талаб этади.

Шу билан бирга вақт режимида тушиши лозим бўлган тушумларни харажатлар ҳажмига мутаносиб равишда таъминлаб бориш ҳам анча мураккаб жараён дир.

Бундай жараённи самарали бошқаришда пенсия жамғармаси даромадлари прогноз кўрсаткичларини тўғри режалаштириш ва тушумлар устидан назорат тизими самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

**(7-жадвал) Пенсия жамғармасининг 2010-2016 йиллардаги даромад турларининг ўзгариши таҳлили<sup>8</sup>**

*(млрд. сўмда)*

№	КЎРСАТКИЧЛАР	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил
<b>I.</b>	<b>Жами даромадлар</b>	<b>6 177,9</b>	<b>7 853,1</b>	<b>9 741,8</b>	<b>11 782,6</b>	<b>12 534,3</b>	<b>14 672,0</b>	<b>17 270,1</b>
	ЯИМга нисбатан % да	7,9%	8,1%	8,2%	8,1%	7,1%	7,0%	6.5%
	Шундан:							
<b>1.</b>	<b>Солиқ тушумлари</b>	<b>6 156,9</b>	<b>7 833,2</b>	<b>9 719,1</b>	<b>11 762,6</b>	<b>12 512,4</b>	<b>14 638,1</b>	<b>17 242,1</b>
<b>1.1.</b>	<b>Ягона ижтимоий тўлов</b>	<b>3 768,1</b>	<b>4 786,3</b>	<b>5 957,4</b>	<b>7 338,6</b>	<b>7 611,3</b>	<b>8 774,7</b>	<b>10 226,0</b>
	<i>жами даромадга нисбатан %</i>	<i>61,0</i>	<i>60,9</i>	<i>61,2</i>	<i>62,3</i>	<i>60,7</i>	<i>59,8</i>	<i>59,2</i>
<b>1.2.</b>	<b>Мажбурий суғурта бадали</b>	<b>690,6</b>	<b>1 091,7</b>	<b>1 599,1</b>	<b>2 036,2</b>	<b>2 596,6</b>	<b>3 121,5</b>	<b>3 993,9</b>
	<i>жами даромадга нисбатан %</i>	<i>11,2</i>	<i>13,9</i>	<i>16,4</i>	<i>17,3</i>	<i>20,7</i>	<i>21,3</i>	<i>23,1</i>
<b>1.3.</b>	<b>Сотилган маҳсулот ҳажмидан ажратма</b>	<b>1 241,0</b>	<b>1 403,3</b>	<b>1 436,4</b>	<b>1 505,8</b>	<b>1 197,4</b>	<b>1 354,7</b>	<b>1 429,7</b>
	<i>жами даромадга нисбатан %</i>	<i>20,1</i>	<i>17,9</i>	<i>14,7</i>	<i>12,8</i>	<i>9,6</i>	<i>9,2</i>	<i>8,3</i>
<b>1.4.</b>	<b>Бошқа даромадлар</b>	<b>457,2</b>	<b>551,9</b>	<b>726,1</b>	<b>882,1</b>	<b>1 108,1</b>	<b>1 387,1</b>	<b>1 592,5</b>
	<i>жами даромадга нисбатан %</i>	<i>7,4</i>	<i>7,0</i>	<i>7,5</i>	<i>7,5</i>	<i>8,8</i>	<i>9,5</i>	<i>9,2</i>
<b>2.</b>	<b>Жами солиқсиз тушумлар</b>	<b>21</b>	<b>19,9</b>	<b>22,8</b>	<b>20</b>	<b>21,9</b>	<b>33,9</b>	<b>28,0</b>
<b>3.</b>	<b>Давлат бюджетидан қопланиши</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>

Жадвал маълумотларидан шуни кўришимиз мумкинки, 2017 йилда Пенсия жамғармасининг даромадлари таркибида ягона ижтимоий тўлов катта қисмини

<sup>8</sup> Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

ташкил қилмоқда (10 226,0 млрд. сўм). Ундан кейинги ўринда фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари (3 993,9 млрд. сўм) ташкил этади.

Бунинг асосий сабаби шундан иборатки, даромадлар бўйича солиқ ставкалари турлича.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар, сўнгги йилларда кузатилаётган ЯИМнинг ўсиш суръатлари ва макроиктисодий ривожланиш натижалари мамлакатимиз иқтисодиётини изчил ва барқарор ривожланиши бугунги кунда яққол намоён бўлмоқда.

Жамғарманинг ҳудудий бошқармалари ҳар йили 15 июндан кечикмай жамғарманинг ижро этувчи аппаратиغا жорий йил учун харажатларнинг кутилаётган ижросини ва келгуси йилга Жамғарма харажатлари прогнозини тақдим этади.

Келгуси йилга манбалар ва фойдаланиш йўналишлари бўйича Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари прогнозлари Жамғарманинг ижро этувчи аппарати томонидан ишлаб чиқилади ва Жамғарманинг Кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети белгиланган тартибда қабул қилингандан ва келгуси йилга унинг асосий параметрлари тасдиқлангандан кейин Жамғарманинг ижро этувчи аппарати беш кун муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига - минтақалар бўйича келгуси йилга Жамғарма даромадларининг тасдиқланган асосий параметрларини;

Жамғарманинг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимларига минтақалар бўйича келгуси йилга Жамғарма харажатларининг тасдиқланган асосий параметрларини (йўналишларини) етказди.

Жамғарма даромадлари ва харажатларининг тасдиқланган кўрсаткичларини бажариш:

– юридик ва жисмоний шахслардан мажбурий тўловлар, бадаллар ва бошқа тўловлар тушишининг ва йиғилишининг тўлиқлиги юзасидан - давлат солиқ хизмати органлари томонидан;

– Жамғарма маблағларини белгиланган тартибда ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштириш, ўз вақтида тайинлаш, тўлаш ва манзилли равишда сарфлаш, шунингдек Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини назорат қилиш юзасидан Жамғарманинг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари томонидан таъминланади.

Жамғарманинг ҳудудий бошқармалари Жамғарманинг ижро этувчи аппаратига:

– ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-кунигача ҳудудлар бўйича тўланган пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация тўловлари ва бошқа тўловлар тўғрисидаги тезкор ахборотни;

– тасдиқланган шакл бўйича юридик шахсларнинг чораклик ва йиллик ҳисоботлари тақдим этилгандан кейин 15 кун мобайнида маблағлардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этади.

Жамғарма маблағларининг шакллантирилиши ва сарфланиши ҳисоби юритилиши учун жавобгарлик Жамғарманинг ижро этувчи аппарати, ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация тўловлари ва бошқа тўловларни тўлаш учун назарда тутилган жамғарма маблағларининг ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилиши, Жамғарма маблағларидан қатъий мақсадли фойдаланилиши учун жавобгардир.

Пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация тўловлари ва бошқа тўловларни тўлайдиган ташкилотлар Жамғарма маблағларининг ўз вақтида ва мақсадли тўланиши учун жавобгардир.

Жамғарманинг ижро этувчи аппарати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига белгиланган муддатларда даврий бухгалтерия ҳисоботларини тақдим этади.

Жамғармага муддатида тўланмаган мажбурий тўловлар, бадаллар ва бошқа тўловларни ундириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация тўловлари ва бошқа тўловларни тўлашда Жамғарма маблағларидан тўғри фойдаланилишини назорат қилиш Жамғарманинг ижро этувчи аппарати ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) бўлимлари, шунингдек ташкилотларнинг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари томонидан амалга оширилади.

Пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва компенсация тўловлари ва бошқа тўловларнинг тўғри тайинланиши ва тўланишини, шунингдек Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппарати таркибида 2017 йил ташкил этилган “Ички аудит ва молиявий назорат бошқармаси” томонидан амалга оширилади.

Пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация тўловлари ва бошқа тўловларни тўлаш бўйича харажатларнинг, шунингдек ташкилотларнинг ижтимоий суғурта бўйича харажатларининг ўз вақтида молиялаштирилиши юзасидан мониторинг олиб бориш Жамғарманинг ижро этувчи аппарати ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда жойлардаги туман (шаҳар) бўлимлари томонидан амалга оширилади.

Жамғарма идоравий жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига қаршли ҳисобланиб, ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, яъни Молия вазирига, Жамғарманинг Кузатув Кенгаши раисига ҳисобот беради.

Ишламайдиган ва ишлайдиган фуқароларга пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва компенсация тўловлари ва бошқа тўловларни молиялаштириш учун Жамғарманинг ҳудудий бўлинмалари томонидан Ғазначиликнинг бўлинмаларида ҳисоб рақамлари очилади.

Жамғарманинг ҳудудий бошқармалари тўлов тўланадиган ҳар бир ойнинг 15-қунигача ишламайдиган ва ишлайдиган фуқароларга пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация тўловлари ва бошқа тўловлар тўлаш учун маблағларга бўлган эҳтиёж ҳажмини белгилайди ҳамда Жамғарманинг ижро этувчи аппаратига буюртманомга тақдим этади.

Жамғарманинг ижро этувчи аппарати Жамғарма харажатларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда:

– жорий тўлов ойининг 15-кунигача - ўтган ойнинг эҳтиёжи ҳисоб-китобидан келиб чиқиб 50 фоиз миқдоридаги суммани;

– жорий тўлов ойининг 27-кунигача - амалдаги эҳтиёжнинг тақдим этилган миқдоридан қолган суммани молиялаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 мартдаги “Пенсиялар ва нафақалар тўлаш механизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги **2826-сонли** Қарорга асосан 2017 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида пенсиялар ва нафақаларни тўлаш фақат Халқ банки томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Жамғарманинг туман (шаҳар) бўлимлари пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловлар учун маблағларни Халқ банкининг ҳисоб рақамларига ўтказди.

Жамғарманинг ҳисоб рақамларидан маблағларни қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган мақсадларда ўтказиш ва вақтинча олиб қўйиш тақиқланади.

Нафақа Пенсия жамғармаси бўлими томонидан 16 ёшдан катта болалиқдан ногироннинг, 16 ёшдан катта болалиқдан ногирон ёки ногирон боланинг ота-онаси, фарзандликка олувчиси, васийси ёки ҳомийсининг яшаш жойи бўйича тўланади.

Нафақаларни тўлаш ҳар ойда Пенсия жамғармаси бўлимлари томонидан белгиланган муддатларда, бироқ жорий тўлов ойдан кечикмай амалга оширилади.

Нафақалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончнома бўйича тўланиши мумкин.

Нафақа олувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида доимий яшаш учун бошқа туман (шаҳар)га кўчганда нафақани тўлаш янги яшаш жойи бўйича тегишли Пенсия жамғармаси бўлими томонидан нафақа олувчининг шахсий ҳужжатлар йиғмажилди олингандан кейин шу туман (шаҳар)да давом эттирилади. Бундай ҳолда нафақа тўлаш илгариги яшаш жойи бўйича нафақа тўлаш



тўхтатилган вақтдан бошлаб давом эттирилади. Нафақа олувчиларни ҳисобдан чиқариш ва янги яшаш жойида ҳисобга олиш тартиби, шунингдек уларнинг йиғма жилдларини жўнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

16 ёшдан катта болалиқдан ногирон ёхуд ногирон бола доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ташқарисига чиқиб кетганда нафақа тўлаш тўхтатилади.

Нафақа тўлашнинг тўхтатилиши ёки қайта тикланишига олиб келадиган бошқа ҳолатлар (нафақа тайинланган шахслар тўлиқ давлат таъминотига ўтказилганда ёки “Меҳрибонлик”, “Саҳоват”, “Мурувват” уйларига ва шу қабиларга юборилганлиги ёки ундан қайтиб келганлиги сабабли тўлиқ давлат таъминотидан чиқарилганда) пайдо бўлганда нафақа тўлаш тегишли ҳолатлар пайдо бўлган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб тўхтатилади ёки тикланади.

16 ёшдан катта болалиқдан ногирон ёки ногирон бола озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган тақдирда тайинланган нафақани тўлаш тўхтатилади ва жазони ўташдан озод этилгандан кейин тикланади.

Пенсия жамғармаси бўлимининг айби билан ўз вақтида олинмаган нафақа суммаси бирор-бир муддат билан чеклашсиз бирйўла тўланади.

16 ёшдан катта болалиқдан ногиронга тайинланган нафақа, унга унинг ҳақ тўланадиган ишни бажаришидан ёки бошқа турдаги даромадлар олишидан қатъий назар, тўланади.

Ногирон болага тайинланган нафақа унга бошқа пенсиялар ва нафақалар, шу жумладан боқувчисини йўқотганлик пенсияси ёки нафақаси олишидан қатъий назар, тўланади.

Ҳар хил нафақаларнинг турларини олиш ҳуқуқига эга бўлган 16 ёшдан катта болалиқдан ногиронга унинг танлаши бўйича нафақанинг бир тури тайинланади.

Тайинланган нафақа 16 ёшдан катта болалиқдан ногирон ёхуд ногирон бола тўлиқ давлат таъминотида бўлган давр учун тўланмайди.

Нафақа миқдори ўзгаришига ёки уни тўлаш тўхтатилишига олиб келадиган ҳолатлар пайдо бўлган тақдирда нафақа олувчи ўн кун муддатда бу ҳақда унга нафақа тўлайдиган Пенсия жамғармаси бўлимига хабар қилиши шарт.

Ногирон болага ёки 16 ёшдан катта болалиқдан ногиронга тегишли бўлган ва унинг ўлими сабабли олинмай қолган нафақа суммаси мерос таркибига киритилмайди ва унинг ота-онасига, эрига (хотинига), шунингдек ногирон бола ёки 16 ёшдан катта болалиқдан ногирон билан у вафот этган кунда бирга яшайдиган оила аъзоларига тўланади.

Ногирон бола ёки 16 ёшдан катта болалиқдан ногирон вафот этган ой учун тўлиқ олинмай қолган нафақа суммаси юқорида кўрсатиб ўтилган шахсларга мазкур оининг ногирон ўлимигача бўлган кунлари учун тўланади.

Бир неча шахс мурожаат қилишганда уларга тегишли нафақа суммаси улар ўртасида тенг миқдорда тақсимланади.

Кўрсатиб ўтилган сумма, уни олиш учун ногирон бола ёки 16 ёшдан катта болалиқдан ногирон вафотидан кейин 6 ойдан кечикмай мурожаат қилинган тақдирда тўланади.

Нафақа миқдори ўзгарган тақдирда нафақа қонун ҳужжатларига мувофиқ қайта ҳисоблаб чиқилади.

16 ёшдан катта болалиқдан ногиронга “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ давлат пенсиясининг турларидан бири тайинланганда нафақа тўлаш тўхтатилади, пенсия эса нафақа охириги марта тўланган ойдан кейинги оининг биринчи кунидан бошлаб тўланади.

Нафақаларни тўлаш, етказиб бериш ва қайта юбориш бўйича харажатларни молиялаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

**(8-жадвал) Пенсия жамғармасы 2010-2016 йиллар харажатларининг таҳлили<sup>9</sup>**

*(млрд. сўмда)*

№	Харажат турлари	Йиллар						
		2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016
	<b>ҲАРАЖАТЛАР ЖАМИ:</b>	5 006,9	6 054,5	7 399,6	9 055,2	10 686,8	12 985,6	14 479,8
<b>1</b>	<b>Ишламайдиган пенсионерларга пенсия тўловлари</b>	4 736,9	5 826,1	7 144,7	8 749,7	1 034,4	12 465,1	13 894,6
<b>2</b>	<b>Ишлайдиган пенсионерларга пенсия тўлови</b>	252,4	222,7	236,1	278,9	316,9	387,3	430,4
<b>3</b>	<b>Кекса ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар, дафн маросими учун нафақалар ва бошқа тўловлар (Пенсия жамғармасы маблағлари ҳисобидан)</b>	15,7	0,7	14,4	22,4	31,2	127,6	152,6
<b>4</b>	<b>Бошқа харажатлар</b>	1,9	5,1	4,4	4,2	4,3	5,6	2,2

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасы харажатларининг таркибида катта салмоқни ишламайдиган пенсионерларга пенсия тўлови 2016 йилда 14 479.8 млрд. сўмни ташкил қилмоқда ва йилдан йилга ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасы харажатлари таркибида асосий улушни ишламайдиган пенсионерларга пенсия тўлови харажатлари ташкил қилиб, ҳозирда 96%ни ташкил қилмоқда. Ишлайдиган пенсионерларнинг улуши албатта кам бўлиб, ҳозирда 3,0 %ни ташкил этади. Худди шундай ҳолатни бошқа кўрсаткичларда ҳам кўриш мумкин.

Пенсия тизимини молиялаштиришни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири бу Пенсия жамғармасы даромадлар базасини янада мустаҳкамлаш йўналишида тегишли ишларни амалга ошириш билан боғлиқ. Бу

<sup>9</sup> Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасы маълумотлари асосида тайёрланди.

жуда мураккаб масала бўлиб, у ўзига нисбатан комплекс ёндошувнинг бўлишини тақозо этади. Шу муносабат билан қуйида масаланинг ана шу жиҳатларни баён қилишга ҳаракат қиламиз.

Бу ўринда, дастлаб, тўланадиган ойлик пенсия бадаллари миқдорининг унинг тўловчилари ўртасида сезиларли фарқларнинг бор эканлигини қайд этиб ўтишимиз керак. Гап бу ерда иш берувчилар ва ходимлар, шунингдек, турли гуруҳларга мансуб бўлган товар ишлаб чиқарувчиларнинг Пенсия жамғармасига тўлайдиган ойлик бадаллари миқдорлари ўртасида катта фарқларнинг борлиги хусусида кетмоқда. Амалдаги тартибга мувофиқ, Пенсия жамғармасига иш берувчининг иш ҳақи фондидан ажратмаси 24,8%ни, ходимларники эса иш ҳақи миқдорининг 8%ини ташкил этади.

Бундай шароитда ана шу нисбатни қанчалик тўғрилиги ва унинг илмий-амалий жиҳатдан қай даражада асосланганлигини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Чунки дунёнинг тараққий этган мамлакатларида, хусусан, АҚШ ва Германияда, бу нисбат иш берувчилар ва ходимларнинг иштироки деярли тенг. Албатта, буни инобатга олган ҳолда бизда ҳам шундай бўлиши керак деган хулосанинг чиқарилиши мақсадга мувофиқ эмас. Лекин, бизнингча, ҳеч бўлмаганда, яқин келажакда масаланинг ана шу жиҳатига, озроқ бўлса-да, эътибор берилса ва унга мувофиқ равишда тегишли ишларга ёндошув ўзгартирилса, бу масалада бозор талабларига жавоб берадиган томонга катта қадам ташланган бўлар эди.

## **2.2. Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатларини прогнозлаш тизимини шакиллантириш амалиёти.**

Пенсия тизимининг узоқ муддатли барқарорлиги масалалари бутун дунё иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, пенсия тизими асосий кўрсаткичларининг мунтазам равишда таҳлил қилиб бориш мажбуриятини молиявий таъминлаш имкониятининг мавжудлиги ҳақидаги масалаларга жавоб беради ва асосий заиф нуқталарни аниқлаш уларни бартараф этиш йўллари тақлиф қилишга замин яратад.

Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг 2017 йил учун аниқлаштирилган прогноз кўрсаткичи 17 368,0 млрд. сўм бўлиб (шундан, солиқлардан ташқари тушумлар миқдори 18,0 млрд. сўмни), 2017 йиллик даромадлар ижроси 17 270,1 млрд. сўмни ёки 101,9 фоизни (жумладан, солиқлардан ташқари тушумлар миқдори 52,2 млрд. сўмни) ташкил этди.

Ҳисобот даврида 3,3 млн. нафарга яқин фуқарога ҳар ойда пенсия ва ижтимоий нафақа тўловлари учун ойлик талабномаларнинг ўз вақтида молиялаштирилиши ҳамда ойма-ой тўлиқ тўланиши таъминланган.

2017 йилда 297,4 минг нафар фуқарога пенсия ва ижтимоий нафақалар тайинланди, жумладан 205,7 минг нафарга ёшга доир пенсия ва ижтимоий нафақа тайинланган.

Юқорида қайд этилганларни ҳисобга олган ҳолда, биз Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг барқарорлигини кўриб чиқиш учун бир қанча макроиқтисодий сценарийлар прогнози ҳисоб-китобларни кўриб чиқишимиз зарур.

Жумладан:

2018-2025 йилда Пенсия жамғармаси барқарорлигининг базавий прогнози.

Базавий прогноз иқтисодий ўсишнинг жорий тенденциялари давом этишини инобатга олган ҳолда бажарилади.

**(9-жадвал) Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромад ва харажатлар параметрлари прогнози**

*(млрд сўм).*

№	Кўрсаткичлар	Факт	Факт	Факт	Истиқболда							
		2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.
1	<b>Даромадлар</b>	12 517,8	14 638,1	17 644,5	21 528,9	24 731,7	28 207,5	32 180,6	35 061,0	37 164,7	39 394,6	41 758,3
2	<b>Харажатлар</b>	12 906,2	14 392,9	16 875,0	20 699,0	24 116,0	28 002,3	32 454,9	33 725,4	35 748,9	37 893,8	40 167,5
3	<b>Баланс (- ) ёки (+)</b>	-388,4	245,2	769,5	829,9	615,7	205,2	-274,3	1 335,7	1 415,8	1 500,7	1 590,8
4	<b>ЯИМ</b>	171 379,1	235 916,7	249 120,1	263 049,6	279 621,7	297 797,1	317 154,0	333 914,6	353 949,5	375 186,4	397 697,6
5	<i>ЯИМга нисбатан тақчиллик суммаси (фоизда)</i>	-0,23	0,10	0,31	0,32	0,22	0,07	-0,09	0,40	0,40	0,40	0,40
6	<b>Пенсия жамғармаси харажатларига нисбатан тақчиллик суммаси (фоизда)</b>	97,0	101,7	104,6	104,0	102,6	100,7	99,2	104,0	104,0	104,0	104,0

*Манба: Пенсия жамғармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби*

Базавий прогноздаги тахмин ва шартлар.

Асосий макроиктисодий параметирлар прогнози.

Ҳозирги вақитда ялпи ички маҳсулот 2019-2020 йилларгача бўлган муддатдаги ўсиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, шунингдек ХВФ томонидан ишлаб чиқилган бир қанча вариантлар мавжуд. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширилиши туфайли ялпи ички маҳсулотнинг юқори суръатларда ўсиши асос қилиб олинди. Шунингдек, 2023 йилдан бошлаб ўртача даромадининг “тузоққа” тушиш хавфи юқорилиги сабабли ЯИМнинг ўсиш суръатлари аста-секинлик билан 6 фоиздан камайиши тахмин қилинмоқда. Бунда мамлакатимиздаги ЯИМнинг ўсиш суръатлари 2030 йилга келиб 4,6 фоизгача камайди<sup>10</sup>.

Даромад қисмини шакллантириш:

а) даромадларнинг ўсиш даражаси меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг ўсиш даражаси билан узвий боғлиқ бўлади, шу сабабли ҳам бутун давр мобайнида у билан бир хил даражада сақланади. Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ҳажми номинал ЯИМнинг ўсиш суръатларига мутаносиб равишда ошиб боради;

б) товарлар ва хизматларни реализация қилишдан тушадиган мажбурий ажратмалар бўйича даромадлар даражаси базавий прогнозда прогноз қилинаётган даврдаги ҳар бир йилнинг номинал ЯИМ йиллик ўсишига тенг деб қабул қилинади;

в) бошқа даромадлар миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг ошиши асосида ҳисоблаб чиқилади, чунки ушбу даромадларнинг 90 фоизи энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг ўсишига бевосита боғлиқдир. Бу ерда кўрсатилаётган тушумларнинг миқдори асосан якка тартибдаги тадбиркорларнинг бадаллари ва деҳқон хўжалиқларининг ихтиёрий бадаллари ҳисобига шакилланади, ушбу бадаллар энг кам ойлик иш ҳақидан ҳисоблаб чиқилади.

---

<sup>10</sup> Аналитическая записка UNDP Uzbekistan.

г) шунингдек, прогнозда ажратмалар ставкалари (ходимлар, иш берувчилар тўловлари ҳамда улар орқали ҳисобланадиган айланмадан тушга ажратмалар) 2017 йилги ҳисоблаб чиқилган даражада (32,8 фоиз) қолиши (ягона ижтимоий тўлов 24,8 + ижтимоий суғурталар бадаллари 8 фоиз) прогнозлаштириладиган давр мобайнида ўзгармаслиги тахмин қилинмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишимиз жоизки, Ўзбекистоннинг замонавий Пенсия тизимининг асосий камчилиги бу - Пенсия жамғармаси даромадларининг потенциал тақчиллиги ҳисобланади ва пенсияларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлаш ҳамда ижтимоий тангликни олдини олиш учун у давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланган тақдирда давлатнинг инвестициявий харажатлари ҳамда таълим ва соғлиқни сақлаш тизимига ажратилган харажатларни қисқартиришга тўғри келади. Бу эса, иқтисодий ўсишнинг пасайиши ва инсон капитали сифатининг ёмонлашувига сабаб бўлиши мумкун.

Бундан ташқари, меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ва ЯИМ ўсиши борасидаги прогнозлар оптимистик бўлиши мумкунлигини назарда тутиши лозим. Шу боисдан ҳам, Пенсия жамғармасининг тақчиллиги кутилганидан ҳам ортиқ бўлиши мумкун.



**(10-жадвал) Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлар параметирлари прогнози<sup>11</sup>**

*(млрд сўм).*

Даромад манбалари	2011й	2012й	2013й	2014й	2015й	2016й	2017й	2018й	2019й	2020й	2021й
	(факт)	(факт)	(факт)	(факт)	(факт)	(факт)	(факт)	(истикболда)			
<b>ЯИМ</b>	<b>77 821,0</b>	<b>96 653,0</b>	<b>118 449,0</b>	<b>143 886,0</b>	<b>171 369,0</b>	<b>199 325,0</b>	<b>249 100,0</b>	<b>263 049,6</b>	<b>279 621,7</b>	<b>297 797,1</b>	<b>317 154,0</b>
Ҳақиқий ўсиш % да	8,5	8,0	7,5	7,5	7,0	7,0	6,5	5,6	6,3	6,5	6,5
ЯИМга нисбатан йўқотиш	116,0	115,0	114,0	113,0	112,0	111,0	110,0	109,0	109,0	108,0	108,0
<b>МҲТФ (ФОТ)</b>	<b>15 706,0</b>	<b>19 704,0</b>	<b>24 384,0</b>	<b>29 908,0</b>	<b>36 187,0</b>	<b>43 388,0</b>	<b>51 309,0</b>	<b>59 518,4</b>	<b>69 041,4</b>	<b>79 397,6</b>	<b>91 307,2</b>
ЯИМ нинг МҲТФ га нисбатан улуши	20,2	20,4	20,6	20,8	21,1	21,8	20,6	22,6	22,6	22,6	22,6
<b>ЯИТ (ЕСП)</b>	<b>3 767,5</b>	<b>4 785,9</b>	<b>5 956,9</b>	<b>7 338,1</b>	<b>7 617,5</b>	<b>8 774,7</b>	<b>10 280,5</b>	<b>12 260,8</b>	<b>14 222,5</b>	<b>16 355,9</b>	<b>18 809,3</b>
Суғурта бадали 8 %	690,4	1 091,6	1 599,0	2 036,1	2 595,5	3 121,5	3 940,6	4 761,5	5 523,3	6 351,8	7 304,6
ПЖ ажратмалар 1,5	1 241,0	1 403,3	1 436,4	1 506,0	1 197,4	1 354,7	1 804,9	2 606,4	2 867,0	3 153,7	3 469,1
<b>Бошқа даромадлар</b>	<b>456,2</b>	<b>551,9</b>	<b>726,1</b>	<b>881,9</b>	<b>1 107,4</b>	<b>1 387,1</b>	<b>1 618,4</b>	<b>1 900,2</b>	<b>2 118,9</b>	<b>2 346,0</b>	<b>2 597,6</b>
<i>Шундан:</i>											
<b>ЯСТ (ЕНП)</b>	<b>363,9</b>	<b>424,1</b>	<b>546,1</b>	<b>641,3</b>	<b>806,5</b>	<b>1 004,4</b>	<b>1 151,0</b>	<b>1 381,2</b>	<b>1 526,2</b>	<b>1 694,1</b>	<b>1 880,5</b>
ЯТТ суғурта бадал	55,5	87,4	130,1	176,3	222,0	280,5	366,2	434,9	500,1	550,1	605,2
12-14-15 - моддалар	14,1	18,8	27,8	40,7	54,8	77,4	92,1	77,6	85,4	93,9	103,3
<b>Бошқа даромадлар</b>	<b>22,7</b>	<b>21,6</b>	<b>22,1</b>	<b>23,5</b>	<b>24,0</b>	<b>24,8</b>	<b>9,1</b>	<b>6,5</b>	<b>7,2</b>	<b>7,9</b>	<b>8,7</b>
<b>Жами даромадлар</b>	<b>6 155,1</b>	<b>7 832,7</b>	<b>9 718,4</b>	<b>11 762,1</b>	<b>12 517,8</b>	<b>14 638,1</b>	<b>17 644,5</b>	<b>21 528,9</b>	<b>24 731,7</b>	<b>28 207,5</b>	<b>32 180,6</b>

МҲТФга нисбатан ЯИТ нинг ҳақиқий тушуми.	24.8	24.8	24.8	24.8	24.8	24.8	24.8	22.6
	<b>3895.1</b>	<b>4886.6</b>	<b>6047.2</b>	<b>7417.2</b>	<b>8974.4</b>	<b>10760.2</b>	<b>12724.6</b>	
	0.97	0.98	0.99	0.99	0.85	0.82	0.81	
<b>0.91</b>								

МҲТФга нисбатан суғурта бадалининг ҳақиқий тушуми.	4.5	5.5	6.0	6.5	7.0	7.5	8.0	8.0
	<b>706.8</b>	<b>1083.7</b>	<b>1463.0</b>	<b>944.0</b>	<b>2533.1</b>	<b>3254.1</b>	<b>4104.7</b>	
	0.98	1.01	1.09	1.05	1.02	0.96	0.96	
<b>1.01</b>								

<sup>11</sup>Пенсия жамғармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

**(11-жадвал) Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси харажатлар параметрлари прогнози<sup>12</sup>**

*(млрд сўм).*

Харажатлар	Ўлчов биргик	2014г (факт)	2015г (факт)	2016г (факт)	2017г (факт)	2018г	2019г	2020г	2021г
<b>Жами харажатлар:</b>	<i>млрд. сўм</i>	<b>10 691,7</b>	<b>12 906,2</b>	<b>14 392,9</b>	<b>16 875</b>	<b>20 699,0</b>	<b>24 116,0</b>	<b>28 002,3</b>	<b>32 454,9</b>
<b>Ишламайдиган пенсионерларга пенсия тўловлари</b>	<i>млрд. сум</i>	10 334,4	12 465,1	13 894,6	16 195	19 840,7	23 093,6	26 798,8	31 014,0
<b>Ишлайдиган пенсионерларга пенсия тўлови</b>	<i>млрд. сум</i>	316,9	387,3	430,4	570,0	710,8	816,2	915,2	1 037,4
<b>Кекса ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар, дафн маросими учун нафақалар ва бошқа тўловлар</b>	<i>млрд. сум</i>	36,1	48,2	65,7	99,6	144,0	202,2	283,8	398,5
<b>Бошқа харажатлар</b>	<i>млрд. сум</i>	4,3	5,6	2,2	10,0	3,5	4,0	4,5	5,0
<b>Пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар сони (йил охирига)</b>	<i>Одам</i>	<b>2 921 191</b>	<b>2 947 856</b>	<b>3 026 378</b>	<b>3 109 256</b>	<b>3 296 000</b>	<b>3 486 000</b>	<b>3 673 300</b>	<b>3 862 000</b>
<i>Пенсия ва нафақа олувчилар сонининг йиллик ўсиши</i>	<i>Одам</i>	202 400	26 665	78 522	82 878	186 744	190 000	187 300	188 700
	<i>% да</i>	6,9	0,9	2,6	2,7	5,7	5,5	5,1	4,9
<b>Йиллик ўртача пенсия миқдори</b>	<i>минг. сум</i>	334,1	400,1	429,4	472,4	519,6	571,6	628,7	691,6
<b>Ишламайдиган пенсионерлар</b>	<i>Одам</i>	2 829 035	2 845 980	2 920 330	2 997 000	3 182 000	3 367 000	3 552 000	3 737 000
<i>Шундан ижтимоий нафақа олувчилар</i>	<i>Одам</i>	27 262	32 788	40 291	51 000	63 000	75 600	90 720	108 864
<i>Йиллик ўртача нафақа миқдори</i>	<i>минг. сум</i>	110,3	122,6	136,0	62,8	190,5	222,8	260,7	305,0
<b>Ишлайдиган пенсионерлар</b>	<i>Одам</i>	92 156	101 876	106 048	112 256	114 000	119 000	121 300	125 000

<sup>12</sup>Пенсия жамғармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

Харажатлар қисмини шакиллантириш:

а) харажатлар прогнозида ўртача пенсиялар миқдорининг ўсиши бутун прогноз қилинаётган давр мобайнида энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг ошиши даражасига мувофиқ сақланиб қолади (1,1);

б) пенсия тўловлари миқдорлари ўртача пенсияларнинг меҳнатга лаёқатсиз ёшдаги аҳоли сонига кўпайтирилган ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

1.2 Прогноз натижалари.

Ҳисоб-китоблардан кўриниб турибдики (оптимистик вариант) (9-жавалга асосан), Пенсия жамғармасининг йиллик харажатлари миқдори 2018 йилда йиллик тушумлардан ортишни бошляпти. 2021 йилдан бошлаб тақчиллик -274.3 млрд. сўмга тақчиллик юзага келади. ЯИМга нисбатан Пенсия жамғармаси танқислиги 0.9 фоизга етади.

Пенсия жамғармасининг тақчиллик бўлмаслигига эришиш учун, пенсия жамғармаси харажатларини, ва тегишлича пенсияларни қисқартиришга тўғри келади. Бу эса пенсионерларнинг ижтимоий ҳолатини сезиларли даражада ёмонлашувига олиб келади.

Пенсия жамғармасы барқарорлиги прогнози – ўта оптимистик  
макроиқтисодий шакиллантириш

Прогнознинг ушбу сценарийси ҳолатида тахминларнинг базавий сценарийдаги каби сақланиши назарда тутилади. Иқтисодий ўсишнинг каттароқ томонга ўзгартирилиши бундан мустасно, чунки ЯИМнинг йиллик ўсиши мунтазам равишда 8 фоизни ташкил қилиши тахмин қилинмоқда.

Ўта оптимистик сценарий бўйича прогноз 2021 йилда Пенсия жамғармасы тақчиллиги юзага келишини кўрсатмоқда, бунда аввалги даврларда жамғарилган маблағлар қолдиқлари 2021 йилги тақчилликни деярли тўлиқ қоплаш имкониятини беради.

Агар Пенсия жамғармасини тақчилликсиз қолдирсак, унинг харажатларини ва тегишлича пенсияларни қисқартиришга тўғри келади.

Бу ҳолатда қоплаш коэффициентининг тушиб кетишига олиб келади. Бу эса пенсионерлар турмуш фаровонлигини пасайтиради.

Бунда шуни назарда тутиш керакки, прогноз асосига қўйилган узоқ муддатли макроиқтисодий ўсишга эришиш аслида жуда қийин бўлади.

Пенсия жамғармаси барқарорлиги прогнози- оптимистик сценарий.

Бундай сценарийда тахминларнинг худди базавий сценарийда қандай бўлса, шундайлигича сақланиши назарда тутилади. Қуйдагилар бундан мустасно:

1) Иқтисодий ўсишни суғурувчи томонига тўғрлаш (2018 йилдан 4-5 фоиз) ва битта пасайиш даври (ЯИМнинг 2 йил давомида йилига 2-4 фоизга пасайиши);

2) Пенсияларнинг дефлятор кўрсаткичига нисбатан 8 фоиз бандига оширилиши.

Прогнознинг оптимистик сценарийси пенсия таъминотининг ҳозирги модели мустаҳкамлиги даражасини кўрсатмоқда – Пенсия жамғармаси маблағ қолдиқлари кўп миқдорда тўпланганлигига қарамай, бу модель узоқ муддатга дош бера олмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкунки, иқтисодиёт ривожланишининг ҳар қандай сценарийсида яқин бир неча йил мобайнида Пенсия жамғармасининг тақчиллиги юзага келиши турган гап. Хаттоки, жуда узоқ давирлик муттасил иқтисодий ўсишни назарда тутувчи (халқаро амалиётни ва Ўзбекистон бизнес юритиш харажатлари нисбатан юқори эканлигини ҳисобга олсак, бу аслида мумкун эмас) ўта оптимистик прогноз Пенсия жамғармаси бюджетининг узоқ муддатли мувозанатини таъминламайди. Демак, Ўзбекистонда пенсия таъминоти ислоҳоти ҳаётий зарурат ва ундан қочиб бўлмайди.

Одатда пенсия ислоҳотларини амалаг ошириш учун йиллаб, хаттоки ўн йиллаб вақт талаб этилишини ҳисобга олсак, 2018 йил 27 апрелда халқ муҳокамасига қўйилган пенсия Концепцияси аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, пенсионерларни рағбатлантириш ва кутилаётган хатарларни олдини олиш мақсадида тегишли тамойилларни ишлаб чиқиб, ислоҳотларни яқин истиқболда бошлаш жуда муҳим ҳисобланади.

### **2.3. Пенсия жамғармасының харажатларын башорат қилишда ижтимоий демографик рискларын ҳисоблаш тахлили.**

Демографик прогнозларны ишлаб чиқиш жараёнида қуйидаги метод гурухлардан купроқ фойдаланилади:

- 1) Экстрополяция методи;
- 2) Кўп омилли динамик моделни ишлаб чиқишда ёрдамлашадиган иктисодий-математик методлар;
- 3) Когорт ва ёшни силжитиш методи;
- 4) Эксперт баҳолаш методи.

Экстраполяция методи. Ушбу методнинг демографик прогнозлашда кенг қўлланишининг сабаби шуки, берилган жараёнлар кўпгина холларда ўз ривожланишида инерциондир. Экстраполяция методи нафақат аҳолининг келажакдаги миқдорини баҳолашда, балки, аҳоли харакати (масалан туғилиш, ўлим, миграция коэффициентлари) характеристикасини ҳисоблашда ҳам қўлланилади. Экстраполяция методи ёрдамида тузилган прогнознинг умумий камчилиги шундаки, бунда аҳолининг ўртача динамик тенденциясига суянилади, баъзан алохида ёш-жинс гурухлари кўриб чиқилмайди.

Демографик прогнозлашда иккинчи кенг қўлланиладиган усул - иктисодий-математик усулдир. Унинг натижаси сўнгги вақтда пайдо бўлган янги омиллар таъсирини ҳисобга олувчи динамик моделдир. Прогнозловчи тадқиқотчининг вазифаси ўрганилаётган жараёнга таъсир кўрсатадиган омиллар ичидан энг мухимини танлаш ва кўп омилли модел параметрларини ҳисоблашдир.

Демографик ривожланиш хусусиятларига таъсир кўрсатувчи омиллар таркибини асосий иккита гурухга бўлиш мумкин:

– биринчи гурух - объектив омил бўлиб, бошқарув органи тизими таъсир кўрсата олмайдиган хатти-харакат хусусиятидир. Жумладан, аҳолининг диний қарашлари, халқаро вазият холати, урушлар оқибати, шаклланган анъаналар ва бошка ижтимоий ларзалар;

– иккинчи гурух - қайсидир маънода таъсирини бошқариш мумкин бўлган омиллар (масалан, тиббиётдаги жараёнлар, тиббий хизматлар сифати, аҳолининг таълим-маданий даражаси, аҳолининг турли аспекти - турар жой билан таъминланганлик, маиший хизматлар, даромадлар миқдори) дир. Хар бир омил таъсири алоҳида ҳисобланади, сўнгра барча омилларнинг ўзаро таъсирлар йиғиндиси аниқланади.

Демографик прогнозлашдаги учинчи методлар гурухи - когорт ва ёшни силжитиш методи. Бу усул экстраполяция методи камчиликларини йўқотиб, аҳоли ўртача динамик тенденцияси асосида прогнозлашга ёрдам беради. Бу усуллар туғилиш ва ўлим, миграция кўрсаткичлари турли ёш-жинс гурухларидаги фарқланишга асосланган. Ёшни силжитиш методида ҳисоб китобларга турли ёш-жинс гурухлари томонидан “яшаб бўлиш” коэффиценти, когорт методига эса турли ёшдаги аёллар ва когортлар томонидан эришилган туғилиш коэффиценти асос қилиб олинади.

Демографик прогнозлашда янада кенгроқ қўлланиладиган методларнинг туртинчи гурухи - бу эксперт баҳолаш методи. Улар прогнозлаш объекти ҳақидаги статистик маълумотлар етарлича бўлмаган ҳолатларда ишлатилади, шунингдек, янги вақтда тадқиқ қилинаётган жараёнга эски вақт маълумотлари асосида ўрганиб бўлмайдиган янги омиллар таъсир қилганда қўлланилади.

Демографик прогнозлаш методлари аҳоли ўзгаришлари компонентларини келажакдаги аҳоли миқдори ва структурасига таъсирини солиштириб баҳолаш имконини беради. Ёшни силжитиш методи кўпроқ тарқалган бўлиб, аҳолининг истиқболини ҳисоблашда қўлланилади, шунингдек туғилиш, ўлим ва миграцияни прогнозлашда алоҳида ўринда турувчи компонент усулидир.

Масалан, одамларнинг демографик хатти-харкатини ўрганиб туриб, биз амалдаги ижтимоий-психологик нормаларни аниқлаймиз, шундан одамларнинг хатти-харакатлари мана шу савол бўйича фикрларини асослаб берганини кўраимиз. Оила нафақат қанча фарзанд кўришни истаётгани муҳим, балки, нима сабабдан фарзанд курмокчи (эмас) ва нега битта-иккита, кўпроқ эмас; қанча оила

реал шарт-шароитда фарзандли бўлишни истайдилар (кутилаётган фарзандлар сони) ва аниқ хаётий вазият ва шахсий имкониятларни ҳисобга олмай қанча фарзанд кўришни хоҳлашларини белгилаш муҳимдир. Шундай тадқиқотлар давомида демографик қимматлилик (қиймат)нинг шаклланиш механизми ва аҳоли ўсиш резервини аниқлаш вазифаси туради ва демографик сиёсат чоратadbирлар ишлаб чиқиш учун уларни хал қилиш муҳимдир.

Демографик прогнозлаш барча комплекс дастурлар учун кўп қиррали асос бўлиб хизмат қилади. Аҳоли сонини прогнозлаш аҳоли ҳаракати ва меҳнат ресурсларининг қайта ишлаб чиқариши, меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигининг даражаси, унинг молиявий ва касбий таркибини қамраб олади.

Демографик прогнозлаш оилаларнинг келажак сонини, уларнинг ўртача катталиги, аҳоли кўчиши оқимларининг интенсивлиги, йўналишлари, фаол меҳнат фаолияти давомийлиги ва бошқалар тўғрисида прогноз ахборот олиш имкониятини беради.

Аҳолининг келажакдаги сони асосан туғилиш даражасига боғлиқ. Шунинг учун дастлаб унга қандай омиллар таъсир қилишини ўрганиш лозим. Бу ерда туғилишни оширувчи ва камайтирувчи омилларни алоҳида белгилаш мумкин. Туғилиш даражасини оширувчи асосий омиллар деб одатда, мактабгача тарбия муассасалари ва уй-жой қуриш жараёни тараққиётига айтишади.

Прогнознинг ахборот базаси бўлиб ҳисоботлар (аҳолининг табиий ва механик ҳаракатларининг жорий ҳисоботи) ва махсус ташкил этилган статистик кузатувлар (аҳолини рўйхатдан ўтказишлар, махсус танлама ижтимоий-демографик тадқиқотлар, аҳолининг турли рўйхат ва картотекалари) ҳисобланади.

Аҳоли сонини прогнозлашда экстрополяция ва математик моделлаш усуллари кенг қўлланилади.

Аҳолини демографик ривожланишини прогнозлаштириш - ўтмишни, ҳозирги замоннинг ривожланиш қонуниятлари, тенденцияларига асосланган ҳолатда келажакни олдиндан илмий билиш ва истиқболда аҳоли ривожланишини



аниқлашдан иборат. Аҳолини демографик ривожланишини прогнозлашнинг асосий вазифаси жамиятни иқтисодий-ижтимоий ривожланиш йўллари реал баҳолаш, бу ривожланишнинг мақбул бошқарув ечимларини илмий асослаш учун устивор вариантларни аниқлашдан иборатдир.

Демографик сиёсатни амалга ошириш шаклларида бири давлатнинг аҳолини ижтимоий-демографик ривожланиши бўйича мақсадли дастурлари ҳисобланади. Улар ҳозир ҳам, келажакда ҳам алоҳида эътибор талаб этади. Шу нуқтаи назардан бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини демографик ривожланиши прогнозлари билан боғлиқ масалаларни ҳар томонлама ўрганиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Прогноз қилиш учун қўлланиладиган услублар кўп бўлиб: улардан,

- динамик қатор экстраполяцияси,
- динамик қатор интерполяцияси,
- эксперт баҳолаш,
- иқтисодий-математик моделлаштириш,
- таркибий моделлаштириш ва бошқа иқтисодий-статистик услублар кенг қўлланилади.

Прогноз қилишнинг экстраполяция услуби - бу ўтган даврда аниқланган қонуниятлар ва йўналишлар хусусиятларини аниқлаб, келгуси давр учун улардан фойдаланиш демакдир. Экстраполяция турли муддатларда вужудга келган силжишлар, ўзгаришларни динамик қаторнинг асосий белгиси сифатида ифодалайди.

Экстраполяция услуби, тадқиқотларда тез аниқлаш имконини берса ҳам, лекин у келгусидаги бўладиган ўзгаришларни инобатга олиш имконига эга эмас. Шу жиҳатдан, кўпгина олимлар ушбу услубни ўта асосланган прогноз қилиш услуби сифатида эътироф этмайдилар. Экстраполяция услуби тегишли қонуниятлар асосланган вазиятларда ва талабнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар нисбатан мутлоқ хусусиятларга эга бўлганда, уни қўллаш етарли даражада яхши натижалар бериши мумкин.

Экстраполяция усули. Экстраполяция ёрдамида жараёнлар юзага келишида, одатда, у ёки бу кўп миқдорий объект тавсифи статистик тенденцияларини йиғишда, ўзгариш нуқтасидан бошланади. Экстраполяция усуллари энг кўп тарқалган ва барча прогнозлаш усуллари орасида нисбатан кўп ишлаб чиқилган усуллардан ҳисобланади. Бу усуллар ёрдамида катта системаларнинг параметрлари, иқтисодий, илмий ва ишлаб чиқариш потенциалининг миқдорий тавсифлари, илмий-техник тарақиётнинг натижавийлиги тўғрисидаги маълумотлар, системалар ичидаги ва бошқа шунга ўхшаш тавсифларнинг нисбатлари экстраполяция қилинади.

Экстраполяция усулининг мақсади қуйидагича ҳисобланади:

Прогнозлаш объектини характерловчи ўтган даврга нисбати, тадбиқ қилиш қонуниятлари аниқланади ва мос ҳолда бу маълумотларнинг ўсиш потенциаллари тўғрисидаги статистик маълумотларни таҳлил қилиш, сўнгра ташқи муҳитда эмперик ёки динамик қаторда бўлган прогнозловчи катталикларнинг қийматлари аниқланади.

Экстраполяция усули вақт қаторларидаги боғланиш кўпроқ, яъни экстраполяция қилишнинг тарқалган соҳалари аниқланган ҳолларда қўлланилади.

Математик моделлаштириш усуллари. У ёки бу ҳодисани таърифловчи моделлаштириш энг кўп тарқалган усул ҳисобланади. Келажакдаги ҳодисани прогнозлаштиришда яхши натижа берадиган усул моделлаштиришдир.

Моделлаштиришни қўлланишидаги қийинчиликлар прогнозлаш объекти тузилмасини қийинлаштиради. Шунинг учун кўпчилик ҳолларда битта модел эмас, балки моделар ва усуллар тизими қўлланилади. Бунда ҳар бир иш аниқлик ва кетма – кетлик билан амалга оширилади.

Прогнозлаштириш моделлари тизими деганда усуллар ва моделлар йиғиндиси тушунилиши керак. Булар объектнинг келажакдаги ҳолати ва ривож, прогнознинг келажакдаги ва ҳозирги тенденцияси ва қонуниятларни ўрганиш асосида келишилган ва зиддиятсизлик имкониятини беради. Бунда, тизимда прогноз йиғиндиси модел кетма-кетлиги асосида тузилади.

Иқтисодий-математик усули – бу кўп омилли регрессив тенгламалардан иборат бўлиб, асосий кўрсаткичнинг турли омиллар таъсирида ўзгаришини ва боғлиқлиги ифодалайди. Иқтисодий-математик услублар каторига чизикли, квадрат, даражали, логарифмик ва бошқа турдаги тенгламалар тизими кириб, улар омиллар ҳисобини ва таъсирини ҳисоблашда қўлланилади. Бундай турдаги тенгламаларни тузиб чиқиш, унинг воситасида прогноз қилиш ва бир йўла уни асослаб бериш бир мунча мураккабдир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолини демографик прогнозлашнинг асосий вазифалари ҳалқ хўжалигининг ривожланиши бўйича ҳукумат қарорларидан келиб чиқилади. Бу вазифалар ҳозирги кунда иқтисодий стратегия барча стратегиялардек, фундаментал, узоқ муддатли, мақсадли масалаларни қўйишдан бошланади. Улар орасида энг юқори мақсад - ҳалқнинг маданий ва моддий яшаш даражасини аста-секинлик билан кўтаришдир.

Ҳозирги кунда, мутахассисларнинг баҳолашига кўра, прогнозлашнинг **150** дан ортиқ усуллари мавжуд. Бироқ амалиётда асосийлари сифатида уларнинг **15-20** тасидан фойдаланилади.

Демографик прогнозлашнинг назарий муҳим муаммоларидан бири прогнозлар турларининг тузилиши ҳисобланади. Турлар - ҳар хил мезонларга асосланиши мумкин. Масалан, прогнозлаш усулларига, ечиладиган масалаларга, вазифаларга ва бошқаларга. Булардан энг муҳимига қуйидагилар киради: прогнозлаш кўлами; прогнозлаш муддати; прогноз функциялари (функционал белги).

Прогнозларнинг турланиши прогнозлаш йўллари билан узвий боғлиқ. Бир - бирини тўлдирувчи прогнозлаш усуллари мавжуд. Жумладан, эксперт усули. Бу усул бошланғич ахборотларни йиғиш (анкета, интервью) ва уларни таҳлил қилишга асосланади. Шу билан бирга прогноз мақсади экспертлар томонидан қилинган таҳлилга асосланади.

Прогнозлашнинг эксперт усуллари. Прогноз - эксперт объекти перспектив тараққиётига қараганда мутахассисларнинг индивидуал фикрлашини намоён

қилади ҳамда мутахассис тажрибаси мобилизация ва интуицияга асосланган. Эксперт баҳолаш усули объектлар ва муаммоларни таҳлил қилишда, уларнинг тараққиёти тўлиқ ёки қисман математик шакллантиришга тўғри келмайдиган, яъни адекват (ўхшаш, тўғриланган) моделни ишлаб чиқиш қийин бўлган ҳолларда ишлатилади. Прогнозлашда қўлланиладиган эксперт баҳолаш усули индивидуал ва коллективга бўлинади.

Регрессия ва корреляция таҳлили усули. Регрессион таҳлил - ўрганилаётган тасодифий ҳаракатнинг тасодифий меъёрини ва ўрганилаётган миқдорий ўзаро муносабатлар ўртасидаги боғланишни ишлаш учун қўлланилади. Яъни, тасодифий ва иқтисодий меъёрлар ўртасидаги боғланиш регрессия деб аталади. Регрессион таҳлил – ушбу боғланишнинг таҳлили усулидир.

Регрессия ўртача натижа белгиларининг омил белгилари билан боғлиқлигини кўрсатади. Прогнозлаш учун регрессион таҳлил усули қўлланилаётганда математик формула тузилади. У формула прогнозлаштириш объекти билан бирга унга таъсир этувчи битта ёки бир нечта омилларнинг боғланишини ўзида акс эттиради. Бу усул ишлатилаётган объектнинг хусусиятини таҳлил қилишга имкон беради.

Демографик параметрлар ва пенсионерлар сони.

Пенсия таъминотининг аҳамияти давлатнинг қариллик туфайли меҳнат фаолиятини тугаллаган фуқаролар олдида ижтимоий ва иқтисодий жавобгарлигида мужассамлашгандир.

Дунёнинг кўпчилик мамлакатларида аҳолининг қариши иқтисодиётга молиявий босимни кучайтишига олиб келади. Шу сабабли жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатларини ҳисобга олувчи пенсия таъминотининг оптимал моделини шакллантириш кўпчилик мамлакатларнинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Ўзбекистон “Global AgeWatch Index-2015” рейтингига кўра умумий аҳолига нисбатан узок умр кўрувчилар (100 ёш ва ундан ошган) сони бўйича давлатлар ўнталигида Британия ва Япониядан сўнг учунчи ўринни қайт этган бўлса, узок

умр кўрувчиларнинг умумий миқдори бўйича эса Япония, Хитой, АҚШ, Британия ва Италия мамлакатларидан сўнг олтинча ўринни эгаллаган.

Ўртача умр кўришнинг узайиши натижасида, Ўзбекистонда пенсия олиш муддатлари давомийлига эркаклар учун 11.4 йил, аёллар учун 21.2 йилни ташкил этмоқда (ривожланган мамлакатларда бу муддатлар эркаклар учун 14-16 йилгача, аёллар учун — 20 йилгача боради).

**(12-жадвал) 2014-2016 йилларда ёшга доир пенсия олувчиларнинг ўртача умр кўриш даври ўсиши динамикаси<sup>13</sup>**

Йиллар	Умумий	Шу жумладан			
		Эркаклар		Аёллар	
		Ўртача умр кўриш	Ёшга доир пенсия олиш даври	Ўртача умр кўриш	Ёшга доир пенсия олиш даври
<b>2014</b>	72,5	70,4	10,4	74,6	19,6
<b>2015</b>	73,9	71,9	11,9	75,8	20,8
<b>2016</b>	75,2	73,7	13,7	76,8	21,8

Ўзбекистонда аҳолининг табиий ўсиши Украина ва Болтиқбўйига нисбатан ўн баробар Россия Федерациясига нисбатан олти баробар юқоридир.

Ўзбекистоннинг меҳнатга лаёқатли аҳолиси сони 2030 йилга бориб 20 фоизга ошиб, қарийб 22 миллион кишига етади. Бу ҳақда Жаҳон банки ва Германия халқаро ҳамкорлик жамияти томонидан тайёрланган маърузада маълум қилинган.

“Иқтисодий фаол аҳоли улуши ўсишининг суръати ҳозирги кўрсаткичда сақланиб қолинадиган бўлса, 2030 йилга бориб Ўзбекистон меҳнат кучига яна 3,9 миллион киши қўшилади”, — дейилади маърузада.

2017-2030 йиллар давомида Пенсия жамғармаси молиявий барқарорлиги таҳлили БМТнинг аҳоли сони прогнози асосида ўтказилди. Унга кўра аҳолининг 13,2 фоизини пенсия ёшидаги одамлар ташкил қилади. Гарчи пенсия ёшидаги

<sup>13</sup>Пенсия жамғармаси статистик маълумотлари асосида.

аҳоли улаши умумий аҳолига нисбатан ошиб борётган бўлсада, Ўзбекистонда ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатларда кузатилаётган танг вазиятнинг юзага келишига ҳали вақт эрта.

2030 йилга бориб эркакларнинг ўртача умр кўриш даври 76 ёшни, аёлларнинг ўртача умр кўриш ёши эса 79 ёшни ташкил этади. Демак, бундан кўриниб турибдики, пенсияларни тўлаш даври ҳам ошиб боради.

**(13-жадвал) Прогноз ”Башорат”  
2006-2025 йилларда умумий аҳоли сонидан пенсиянерлар улуши.**

*млн. бирлик.*

№	Йиллар	Умумий аҳоли сони	Туғулиш	%	Жами пенсия ва нафақа олувчилар	%
1	01.01.2006 г.	26 312,70	526,25	2,0	3 182,80	12,1
2	01.01.2007 г.	26 663,80	559,94	2,1	3 185,67	11,9
3	01.01.2008 г.	27 072,20	595,59	2,2	3 208,04	11,8
4	01.01.2009 г.	27 533,40	633,27	2,3	3 231,33	11,7
5	01.01.2010 г.	28 001,40	644,03	2,3	3 070,03	11,0
6	01.01.2011 г.	29 123,40	640,71	2,2	3 035,95	10,4
7	01.01.2012 г.	29 555,40	620,66	2,1	2 945,20	10,0
8	01.01.2013 г.	29 993,50	629,86	2,1	2 903,68	9,7
9	01.01.2014 г.	30 492,80	670,84	2,2	2 921,57	9,6
10	01.01.2015 г.	31 022,50	713,52	2,3	2 947,87	9,5
11	01.01.2016 г.	31 575,30	726,23	2,3	3 026,19	9,6
12	01.01.2017 г.	32 120,50	674,53	2,1	3 141,16	9,8
13	01.01.2018 г.	32 665,00	685,97	2,1	3 296,75	10,1
14	01.01.2019 г.	33 218,00	764,01	2,3	3 490,00	10,5
15	01.01.2020 г.	33 771,00	776,73	2,3	3 697,00	10,9
16	01.01.2021 г.	34 324,00	755,13	2,2	3 848,00	11,2
17	01.01.2022 г.	34 876,00	802,15	2,3	4 009,00	11,5
18	01.01.2023 г.	35 429,00	814,87	2,3	4 165,00	11,8
19	01.01.2024 г.	35 982,00	827,59	2,3	4 331,00	12,0
20	01.01.2025 г.	36 535,00	840,31	2,3	4 498,00	12,3

*Манба: Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.*

Қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, пенсия олувчилар сони 2018 йилдаги 3 296.75 нафардан 2025 йилда (7 йилдан сўнг), 4 498.00 нафарга етади ёки бу кўрсаткич 1,3 баробарга кўпаяди. 2025 йилда аҳолимизнинг умумий сони 36.5 млн. кишини ташкил этиши кутилмоқда. Жадвалдаги таҳлил маълумотлардан кўришиб турибдики, 2025 йилда Пенсия жамғармаси пул маблағлари миқдорини 13 баробарга ошириш талаб этилади.

Жамғарма даромадларини шакллантириш, ундириш, ҳисоблаб чиқиш ва ўз вақтида тўланиши ва қонунчиликка риоя этилиши Давлат солиқ қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Агар бу борада чуқур ўйлаб, зарур чоралар кўрилмаса, 2025 йилга бориб мамлакатимизда пенсия таъминоти тизимида жуда катта қийинчиликлар юзага келиши кутилмоқда.

2017 йилда 297,4 минг нафар фуқарога пенсия ва ижтимоий нафақалар тайинланди, жумладан 297.4 минг нафарга ёшга доир пенсия ва ижтимоий нафақа тайинланган.

**(14-жадвал) Пенсия ва нафақа олувчиларнинг умумий сони  
2018 йил 1 январь ҳолатига<sup>14</sup>**

*(минг киши)*

<b>Т/р</b>	<b>Пенсия ва ижтимоий нафақа олувчиларнинг тоифаси</b>	<b>Олувчилар сони</b>	<b>шундан, янги тайинланган</b>
1	Ёшга доир пенсия олувчилар	2 502,6	205,7
2	Ногиронлик пенсияси олувчилар	360,3	25,3
3	Боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олувчи оилалар	168,5	20,3
4	Ижтимоий нафақа олувчилар	294,1	46,1
<b>Жами:</b>		<b>3 325.5</b>	<b>297,4</b>

<sup>14</sup>Пенсия жамғармаси маълумотлари асосида.

1991-2017 йилларда (27 йил ичида) Ўзбекистонда пенсионерлар сони 1.37 мартага (1991 йилда 2 060 455 та 2017 йилда 3 095 623 тани ташкил этган) айти шу даврда умумий аҳоли 11.5 млн кишига яни 55,9 фоизга ошган.

Ўзбекистоннинг пенсия тизими мавжуд демографик хусусиятлари нуқтаи назардан кекса авлоднинг қарамлик даражаси хозирги вақтда кўпгина бошқа мамлакатлар пенсия тизимига қараганда анча ижобий ҳолатда.

Меҳнат миграцияси ҳажмини ортиши хорижда ишлаётган фуқароларимизни пенсия фондига суғурта тўловларини тўламаслиги ва келажакда мамлакатга қайтиб келиши, пенсия фондиги пенсия олиш учун мурожаат қилиб унга бўлган босимни ортишига олиб келади. Пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини белгиловчи муҳим омиллардан бири аҳоли таркибида меҳнат қобилияти ёшидан катталар улишини ортиши ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида меҳнатга қобилиятли ёшдан катта аҳоли улуши бирмунча ошиб борди, жумладан ушбу кўрсаткич **1991** йил **7,2%**ни ташкил этган бўлса **2014** йилга келиб **8,4%**га тенг бўлди. Ушбу кўрсаткич Ўзбекистонни тараққий этган ва бозор муносабатлари ривожланаётган мамлакатлардан кескин фарқлантиради. Ваҳоланки жаҳон амалиётида қабул қилинган мезонга мувофиқ пенсия ёшидаги шахсларни аҳоли умумий сонига улуши **12 %** дан ортиқ бўлса, ушбу мамлакат аҳолиси қариётганлигини билдиради. Шунингдек ушбу ҳолат тараққий этган мамлакатларда аҳолини ўртача яшаш давомийлигини ўсиши асосида эркак ва аёлларни пенсияга чиқиш ёшини 65-67 ёшга оширилганлиги билан белгиланади.



**(15-жадвал) 2010-2025 йилларни 1 январь ҳолатига Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари ҳисобига  
олиниши кутилаётган жами пенсия ва нафақа олувчилар сони тўғрисида таҳлилий<sup>15</sup>**

**МА Ё Л У М О Т**

№	Йиллар (1 январь ҳолатига)	Аҳоли сонини	Жами пенсия ва нафақа олувчилар (кутилаётган контингент ) сонини	Пенсия ва нафақа олувчи- ларнинг аҳоли сонига улуши % да	шундан:											
					пенсиялар:						нафақалар:					
					ёшга доир пенсия	жами -га нисба- тан %да	ногирон -лик пенсия	жами -га нисба- тан %да	боқувчи -сини йўқот- ганлик пенсия	жами -га нисба- тан %да	ёшга доир нафақа	жам и-га нисба- тан %да	ногирон - лик нафақа	жам и-га нисба- тан %да	боқув чи- сини йўқот- ганлик нафақа	жами- га нисба- тан %да
1	2010 йил	28 001 400	3 070 029	11,0	2 034 092	66,3	590 656	19,2	204 971	6,7	6 947	0,2	226 725	7,4	6 638	0,2
2	2011 йил	29 123 400	3 035 953	10,4	2 092 008	68,9	525 617	17,3	190 092	6,3	5 760	0,2	214 788	7,1	7 688	0,3
3	2012 йил	29 555 400	2 945 198	10,0	2 100 465	71,3	441 514	15,0	183 794	6,2	5 068	0,2	205 509	7,0	8 848	0,3
4	2013 йил	29 993 500	2 903 683	9,7	2 118 186	72,9	397 265	13,7	169 819	5,8	4 946	0,2	201 537	6,9	11 930	0,4
5	2014 йил	30 492 800	2 921 572	9,6	2 147 549	73,5	382 757	13,1	165 317	5,7	4 914	0,2	206 555	7,1	14 480	0,5
6	2015 йил	31 022 500	2 947 867	9,5	2 181 771	74,0	371 374	12,6	160 784	5,5	5 200	0,2	211 923	7,2	16 815	0,6
7	2016 йил	31 575 300	3 026 194	9,6	2 262 990	74,8	358 572	11,8	160 056	5,3	6 333	0,2	218 782	7,2	19 461	0,6

<sup>15</sup>Пенсия жамғармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

<b>8</b>	2017 йил	<b>32 120 500</b>	<b>3 141 156</b>	<b>9,8</b>	2 369 317	75,4	351 546	11,2	161 224	5,1	8 606	0,3	228 205	7,3	22 258	0,7
<b>9</b>	2018 йил	<b>32 665 000</b>	<b>3 296 753</b>	<b>10,1</b>	2 481 488	75,3	359 291	10,9	166 842	5,1	13 446	0,4	250 421	7,6	25 265	0,8
<b>10</b>	2019 йил	<b>33 218 000</b>	<b>3 490 000</b>	<b>10,5</b>	2 623 000	75,2	368 000	10,5	174 000	5,0	20 000	0,6	276 000	7,9	29 000	0,8
<b>11</b>	2020 йил	<b>33 771 000</b>	<b>3 697 000</b>	<b>10,9</b>	2 780 000	75,2	395 000	10,7	175 000	4,7	28 000	0,8	285 000	7,7	34 000	0,9
<b>12</b>	2021 йил	<b>34 324 000</b>	<b>3 848 000</b>	<b>11,2</b>	2 900 000	75,4	405 000	10,5	176 000	4,6	34 000	0,9	295 000	7,7	38 000	1,0
<b>13</b>	2022 йил	<b>34 876 000</b>	<b>4 009 000</b>	<b>11,5</b>	3 020 000	75,3	415 000	10,4	177 000	4,4	40 000	1,0	315 000	7,9	42 000	1,0
<b>14</b>	2023 йил	<b>35 429 000</b>	<b>4 165 000</b>	<b>11,8</b>	3 145 000	75,5	425 000	10,2	178 000	4,3	46 000	1,1	325 000	7,8	46 000	1,1
<b>15</b>	2024 йил	<b>35 982 000</b>	<b>4 331 000</b>	<b>12,0</b>	3 280 000	75,7	435 000	10,0	179 000	4,1	52 000	1,2	335 000	7,7	50 000	1,2
<b>16</b>	2025 йил	<b>36 535 000</b>	<b>4 498 000</b>	<b>12,3</b>	3 415 000	75,9	445 000	9,9	180 000	4,0	58 000	1,3	345 000	7,7	55 000	1,2

Жадвалдан кўринадик, 2011 йилдан бошлаб пенсия ёшига етадиган ва янгидан тайинлан пенсия ва нафақалар сони 2016 йилга қадар жами аҳоли сонига нисбатан камайиш ҳолати кузатилган.

Ҳолбуки, 2011 йилгача бўлган давирда аҳолининг пенсия ва нафақа тайинлашни сўраб қилиган мурожаатлар йилига 120 минг кишини ташкил этган эди.

Аҳолининг кутилаётган ўртача умр кўриш даврининг ўсиши билан бир қаторда 2018-2025 йилларда пенсияга ёшига етадиган ва пенсия олиш учун мурожаат этадиган фуқароларнинг сони ҳам кескин ўсиши кутилмоқда.

Кутилаётган ўртача умр кўриш даврининг ўсиши, шунингдек пенсионерларнинг умумий сони, шу жумладан пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этадиган шахслар сонининг ўсиши Пенсия жамғармасининг 2018-2025 йилларда даромад ва харажатлари мутаносиблигига кескин таъсир кўрсатиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йиллар давомида иқтисодий фаол аҳоли ҳиссасига ижтимоий бадаллар бўйича юклама тобора ошмоқда. Демографик башоратларга кўра, 2018-2025 йилларда пенсия ёшидаги аҳолининг улуши (1,2 млн. кишига) ошиши кутилмоқда, бу эса, ўз навбатида, Пенсия жамғармаси харажатларининг мутаносиб равишда ошишига олиб келади.

Шундай қилиб, 2016 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикасида пенсия тайинлаш учун йиллик мурожаатлар сонини ортиб бориши (йиллик ўртача ўсиш – 16 минг нафар фуқаро) кузатилмоқда ва 2025 йилга бориб 300 минг нафарга ортиши кутилмоқда. Ёшга доир пенсия тайинлаш учун мурожаатларнинг асосий ўсиши, туғилиш даражаси юқори бўлган (50-60-йиллардаги) даврда туғилган фуқароларнинг умумий белгиланган пенсия ёшига етиши билан боғлиқдир.

Мамлакат аҳолисининг қариб бориши кўрсаткичи шуни кўрсатадики, пенсия ёшидаги аҳолининг сони ўсиш тенденциясига эга (2010 йилдаги аҳолининг умумий сонига нисбатан 5,9 фоиздан 2018 йилга келиб 7,4 фоизгача). Статистик ташкилотларнинг маълумотларига кўра, 2019 йилдан бошлаб пенсия ёшидаги аҳоли сони **10** фоиздан ортади ва **2025** йилга бориб **12** фоизга етади.

Натижада, Пенсия жамғармасы харажатлари кескин ошиши ва ўз навбатида хозирданок жамғарма даромадларини ошириш бўйича аниқ чораларни кўриш ва ўз вақтида амалга ошириш талаб этилади.

Шу сабабли ушбу масалада харажатларни даромадларга нисбатан мақбуллаштириш, харажатларнинг даромадларга нисбатан кескин ўсиб кетишини олдини олишнинг энг маъқул воситаларидан бири бўлиб, пенсия ёшини ошириш ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида пенсия ёши аёллар учун 55 ёш ва эркеклар учун 60 ёш қилиб белгиланган. Таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунда мазкур пенсия ёши фақатгина Ўзбекистон Республикасида сақланиб қолган. Марказий Осиё давлатларида пенсия ёши аёллар учун 58 ёш, эркеклар учун 63 ёш қилиб белгиланган.

Шу сабабли 2018 йил 27 апрелда эълон қилинган “Концепция” доирасида Ўзбекистон Республикасида ҳам пенсия ёшини босқичма-босқич ҳорижий давлатлар тажрибасига таянган ҳолда 2022 йилдан бошлаб ҳар йили 6 ойга ошириш орқали, аёллар учун пенсия ёшини 58 ёшга ва эркеклар учун 63 ёшга етказиш таклиф этилмоқда.

Кўплаб давлатлар ўтган асрнинг 90-йилларининг бошларидаёқ юзага келган иқтисодий инқирозлар даврида пенсия ёшини оширишган бўлса, қолган давлатлар ушбу чорани 2008 йилда юзага келган жаҳон молиявий инқирози даврида амалга оширишди. Бугунги кунда дунеда ўртача пенсия ёши аёллар учун 62,5 ёшни, эркеклар учун 65 ёшни ташкил этади. Прогнозларга кўра 2030 йилга бориб пенсия ёши эркеклар ва аёллар учун ўртача 66 ёшни ташкил этади.

Мамлакатимизда ёшга доир пенсиялар икки кўринишда гавдаланади: умумий белгиланган ва имтиёзли шартларда муддатидан аввал. Умумий белгиланган пенсия ёши эркеклар учун 60 ёшни аёллар учун 55 ёшни ташкил этади. Бунда ёш билан бир қаторда иш стажига ҳам тегишли талаб қўйилган бўлиб, тегишлича 25 йил ва 20 йилни ташкил этади.

Бироқ қонун билан белгиланган етарли иш стажига эга бўлмаган фуқаролар, бор стажга мутаносиб равишда ҳам ёшга доир пенсияга чиқиш

ҳуқуқига эгадирлар. Ушбу пенсия тўлиқсиз ёшга доир пенсия деб ҳам аталади. Тўлиқ бўлмаган иш стажи ҳолатида пенсия қуйидаги тарзда мавжуд стажга мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқилади: дастлаб тегишли тўлиқ пенсия аниқланади; ушбу пенсия талаб этиладиган иш стажи ойлари сонига бўлинади, олинган сумма амалдаги иш стажи ойлари сонига кўпайтирилади.

Қонун қабул қилинган даврда яъни 1993 йилда тўлиқсиз пенсияга чиқишнинг минимал миқдори белгиланмаган эди, бироқ пенсия миқдорининг минимал чегараси мавжуд бўлиб, амалиётда у ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдорининг 50%дан кам бўлмаслиги лозим эди. Бу эса маълум равишда ижтимоий тенгсизликларга ҳам сабаб бўлди. Масалан, бир ой иш стажига эга бўлган ва 5 йил иш стажига эга бўлган фуқароларнинг пенсия миқдори бир хил эди.

Киритилган мазкур ўзгартириш бўйича амалиёт давом эттирилиб, 2016 йил 25 апрелда “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунига киритилган ўзгартиришга мувофиқ, 2016 йил 1 июлдан тўлиқсиз иш стажи билан пенсияга чиқишнинг минимал миқдори 7 йил қилиб белгиланди. Режага мувофиқ тўлиқсиз иш стажи билан пенсияга чиқишнинг минимал миқдори босқичма-босқич 10 йилга етказиш, ва шу билан бирга пенсия таъминотини жаҳон андозаси талабларига мослаштириш кўзда тутилган.

Хусусан, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг 102-сон “Ижтимоий таъминотнинг минимал меъёрлари тўғрисида” Конвенциясига мувофиқ ёшга доир пенсия тайинлаш учун талаб этилган минимал стаж 15 йил қилиб белгиланган. Дунёнинг кўплаб давлатларида, шу жумладан, МДХ давлатларида, ёшга доир пенсия тайинлаш учун талаб этилган минимал стаж бугунги кунда 10-15 йилни ташкил этади.

Мисол учун АҚШда, Чехия ва Латвияда пенсия тайинлаш учун талаб этилган энг кам стаж 10 йил қилиб белгиланган, Озарбайжонда бу кўрсаткич 12 йилни ташкил этади, Испания, Украина, Эстония ва Молдовада 15 йил, Россия

Федерациясида ҳар йили 1 йилга ошириш билан 2024 йилга бориб 15 йил қилиб белгиланади.

**(16-жадвал) Республика бўйича пенсия ва нафақа олувчилар сони динамикаси 1 январь 2016 ва 2017 йил ҳолатига<sup>16</sup>**

№	Худудлар номи	2016 йил 1 январь ҳолатига умумий аҳоли сони	2016 йил 1 январь ҳолатига		2017 йил 1 январь ҳолатига умумий аҳоли сони	2017 йил 1 январь ҳолатига		Сони (-,+)
			Жами пенсия ва нафақа олувчилар сони	Аҳолига нисбатан улуши % да		Жами пенсия ва нафақа олувчилар сони	Аҳолига нисбатан улуши % да	
1	Қорақалпоғистон Республикаси	1 772 400	167 931	9,5	1 809 300	173 303	9,6	5 372
2	Андижон вилояти	2 910 500	283 170	9,7	2 919 864	294 244	10,1	11 074
3	Бухоро вилояти	1 815 100	185 303	10,2	1 843 400	193 080	10,5	7 777
4	Жиззах вилояти	1 276 000	99 197	7,8	1 294 700	103 324	8,0	4 127
5	Қашқадарё вилояти	3 006 213	252 664	8,4	3 089 348	263 432	8,5	10 768
6	Навоний вилояти	924 329	99 399	10,8	938 921	102 819	11,0	3 420
7	Наманган вилояти	2 603 300	233 852	9,0	2 652 418	243 619	9,2	9 767
8	Самарқанд вилояти	3 614 894	311 392	8,6	3 623 674	325 151	9,0	13 759
9	Сирдарё вилояти	782 100	74 716	9,6	800 485	77 643	9,7	2 927
10	Сурхондарё вилояти	2 410 786	201 494	8,4	2 462 229	209 170	8,5	7 676
11	Тошкент вилояти	2 784 700	293 129	10,5	2 796 732	303 323	10,8	10 194
12	Фарғона вилояти	3 505 026	348 231	9,9	3 564 600	362 657	10,2	14 426
13	Хоразм вилояти	1 726 608	165 195	9,6	1 752 436	172 005	9,8	6 810
14	Тошкент шаҳри	2 386 600	310 521	13,0	2 408 832	316 832	13,2	6 311
<b>Республика бўйича жами:</b>		<b>31 518 556</b>	<b>3 026 194</b>	<b>9,6</b>	<b>31 956 939</b>	<b>3 140 602</b>	<b>9,8</b>	<b>114 408</b>

<sup>16</sup>Пенсия жамғармаси маълумотлари асосида.

(13 жадвал) маълумотларидан кўриниб турибдики республика бўйича пенсия ва нафақа олувчилар сони улуши турлича тақсимланган.

Хусусан, 2017 йилда ҳудудлар кесимида кўрадиган бўлсак 2016 йилга нисбатан Фарғона, Самарқанд, Андижон, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида пенсия ва нафақа тайинлаш юқори улушни ташкил этмоқда.

Энг қуйи поғонада Сирдарё вилояти 2927 нафарга ва Навоий вилоятида 3420 нафарга пенсия ва нафақа олувчилар сони кўпайган.

Ушбу тенденсиянинг асосий сабаби ҳудуддаги демографик ҳолат, туғулиш ва ўлим кўрсаткичлари билан узвий боғлиқ.

Пенсия жамғармаси харажатларини прагноз қилиш жараёнида бевосита ҳудудлардаги мавжуд пенсия ва нафақа олувчилар сони ва уларнинг ҳудудий аҳоли сонидаги улушини тўғри баҳолаш юқори аниқликни талаб этади.

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Бугун кунда аҳолининг табиий ўсиш кўрсаткичининг пасайиши, кишиларнинг ўртача умри давомийлигининг ошиши, иқтисодиётда яширин қисмидаги ишловчиларнинг мавжудлиги каби омиллар Пенсия жамғармасига бир қатор муаммоларни келтирмоқда. Жумладан, Пенсия тизимида олинаётган пенсиянинг миқдори одамларнинг муносиб турмиш кечириши учун етарли деб бўлмайди.

Шу сабабли Пенсия жамғармаси молиявий ҳолатини мустахкамлаш, келгусида кутилаётган турли ижтимоий ва иқтисодий тасирларни ҳозирданок тўғри баҳолаш ва унга қарши чораларни кўришни талаб этади.

Пенсия жамғармасининг келгусида кутилаётган молиявий тақчиллигини олдини олиш, пенсия тизимини такомиллаштириш, кўп йиллар меҳнат қилган фуқароларга муносиб пенсия тайинланиши тaminлаш юзасидан қуйдаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

1. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқган ҳолда ягона ижтимоий тўлов фоиз ставкасини йилма йил камайтириб бориш, суғурта бадалларини эса ошириб боришмақсадга мувофиқ бўларди. Бунинг эвазига хўжалик юрителик субъектларда иш ҳақи тўлаш амалиётида учрайдиганойликни кам ҳисоблаш усулининг камайишига олиб келади ва иш ҳақи ҳисоботларининг сохталаштирилиши камайди.

2. "Мурувват" ва "Саховат" уйларида яшовчи пенсионерларга 100% миқдорда пенсия тўлашни жорий қилиш лозим.

3. Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 8-моддасига асосан пенсия тайинлаш учун талаб қилинган стажни 10 йига етказиш лозим. Чунки кўпгина ривожланган ва ривожланаётган давлатларда 15 йил қилиб белгиланган.

4. Кўп йиллик иш стажига эга бўлган фуқароларга пенсия тайинлашда имтиёзлар жорий этиш лозим. Бу эса фуқароларни кўпроқ ишлашга даъват этади.



Қайд этилган хулоса, илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг амалиётга муваффақиятли татбиқ этилиши Ўзбекистон Республикасида пенсия тизими такомиллаштирилиб, ҳамда янги босқичга олиб чиқилиши учун хизмат қилиши мумкин.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни. (янги таҳрири) 2017.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон республикаси молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-1252-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон.
6. Вазирлар Маҳкамаси 19.02.2010 й.№ 30 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисида Низоми.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 июндаги “Фуқароларнинг давлат Пенсия таъминоти тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 429-сон қарори.
8. О‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “О‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida”gi 2017-yil 7fevraldagi PF-4947-son Farmoni, Xalq so‘zi, 2017-y., 28 (6722)-son; О‘zbekiston Respublika qonun hujjatlari to‘plami, 2017-y., 6-son, 70-modda.
9. “Xalq bilan muloqot va inson manfaatlari yili” Davlat dasturini ishlab chiqish va amalga oshirishning tashkiliy chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi О‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016-yil 17-dekabr F-4760-son farmoyishi, О‘zbekiston Respublika qonun hujjatlari to‘plami, 2017-y., 8-son, 119-modda.

**10.** O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi huzuridagi byudjetdan tshqari Pensiya jamg‘armasining tashkiliy tuzilmasini shakllantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 2009-yil 30-dekabrdaqi PQ-1252-son Qarori.

**11.** O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2011-yil 30-dekabrdaqi “O‘zbekiston Respublikasining 2012-yilgi asosiy makroiqtisodiy ko‘rsatkichlari prognozlari va davlat byudjeti parametrlari to‘g‘risida”gi PQ-1675-sonli qarori.

**12.** O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2012-yil 25-dekabrdaqi “O‘zbekiston Respublikasining 2013-yilgi asosiy makroiqtisodiy ko‘rsatkichlari prognozlari va davlat byudjeti parametrlari to‘g‘risida”gi PQ-1887-sonli qarori.

**13.** O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2013-yil 25-dekabrdaqi “O‘zbekiston Respublikasining 2014-yilgi asosiy makroiqtisodiy ko‘rsatkichlari prognozlari va davlat byudjeti parametrlari to‘g‘risida”gi PQ-2099-sonli qarori.

**14.** O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2014-yil 4-dekabrdaqi “O‘zbekiston Respublikasining 2015-yilgi asosiy makroiqtisodiy ko‘rsatkichlari prognozlari va davlat byudjeti parametrlari to‘g‘risida”gi PQ-2270-sonli qarori.

**15.** O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2015-yil 22-dekabrdaqi “O‘zbekiston Respublikasining 2016-yilgi asosiy makroiqtisodiy ko‘rsatkichlari prognozlari va davlat byudjeti parametrlari to‘g‘risida”gi PQ-2455-sonli qarori.

**16.** O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016-yil 27-dekabrdaqi “O‘zbekiston Respublikasining 2017-yilgi asosiy makroiqtisodiy ko‘rsatkichlari prognozlari va davlat byudjeti parametrlari to‘g‘risida”gi PQ-2699-sonli qarori.

**17.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.12.2017 йилдаги “Хусусий тиббиёт ташкилотларини ривожлантириш бўйича қўшимча шарт-шароитларни яратиш тўғрисида”ги ПҚ-3450-сонли Қарори

**18.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.02.2018 йилдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сон Фармони.

**19.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақидаги 595-сон Қарори.

**20.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.12.2017 йилдаги “Меҳнат фаолиятини олиб бораётган пенсионерларнинг алоҳида тоифаларига қулай шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5291-сон Фармони.

**21.** Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. – Toshkent: “O‘zbekiston” NMIU, 2017. – 488 b.

**22.** Mirziyoyev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat’iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo‘lishi kerak. – Toshkent: “O‘zbekiston” NMIU, 2017. – 104 b.

**23.** Mirziyoyev Sh.M. Erkin va farovon, demokratik O‘zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. – Toshkent: “O‘zbekiston” NMIU, 2017. – 56 b.

**24.** Mirziyoyev Sh.M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta’minlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. – Toshkent: “O‘zbekiston” NMIU, 2017. – 48 b.

**25.** .Mirziyoyev Sh.M. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojatnomasi. – Toshkent: «O‘zbekiston» NMIU, 2018. – 80 b

**26.** O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017. 22 dekabrdaagi Parlamentga murojaati

**27.** Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 февралдаги “Чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта

бадаллари тўлаш тартибини, шунингдек уларнинг пенсияни ҳисоблаш учун олинадиган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 46-сон қарори .

**28.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 10 январдаги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисидаги 6-сон қарори.

**29.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 1995 йил 30 августда 165-сон билан рўйхатдан ўтган Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги корхоналари томонидан пенсия ва нафақаларни тўлаш тўғрисида» ги йўриқномаси.

**30.** Вахабов А.В. “пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш” мавзусидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 100 йиллигига бағишланган республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами 2017 йил 15 ноябрь

**31.** Vaxabov A.V.Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar:darslik. A.V.Vaxabov,D.A.Tadjibayeva, Sh.X.Xajibakiyev/-Toshkent :Baktria press,2015.-584-b.

**32.** Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar.O’quv qo’llanma. A.V. Vaxabov ,Sh.X.Xajibakiyev, Sh.I.Raxmanov,X.A.Usmanova .-T:Iqtisod –Moliya 2014.372 b.

**33.** Вохабов А.В., Маликов Т.С. Молия: умумназарий масалалар. Ўқув қўлланма. -Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”. 2008. -316 б.Voxabov A.V.. Vozor munosabatlari tizimidagi ijtimoiy fondlar. Monografiya. -Т.: «Sharq». 2003. 320 b.

**34.** Вахабов А.В., Таджибаева Д.А., Хажибакиев Ш.Х. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. / и.ф.д. проф. А.В. Вахабовнинг умумий тарихи остида. – Тошкент Молия, 2011. – 708 б

35. Вахабов А.В., Охундедаева М.О. Ўзбекистонда пенсия тизимини ривожланиш тенденциялари ва истиқболлари. //Иқтисод ва молия, №5, 2015.

36. Ваҳобов А.В. и.ф.д. проф, Маликов Т.С. Молия: умумназарий масалалар. Ўқув қўлланма.-Т.:“IQTISOD-MOLIYA”, 2008.

37. Ваҳобов А.В. и.ф.д. проф, Ўзбекистонда пенсия таъминотини молиявий барварорлигини таъминлашнинг устувор йўналишлари 2015 й. 21 ноябрь илмий конференция марузаси.

38. Воронин Ю.М. Государственный финансовый контроль: вопросы теории и практики. – М., 2005.

39. Ибрагимов А.К., Сугурбаев Б.Б. “Бюджет назорати ва аудити”, ўқув қўлланма, Т.: infoCOM.UZ МЧЖ нашриёти, 2010.

40. Дис.док.экон.наук Умурзаков Б.Х., Пенсионная система и её реформирование в условиях углубления рыночных отношений в экономике.: 08.00.10/ Б.Х. Умурзаков; Филиал Российской экономической академии им.Г.В.Плеханова в г.Ташкенте

41. Қосимова Г., Каримова З. “Бюджетдан ташқари фондлар”. Ўқув қўлланма. –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”. 2009.

42. Аналитическая записка UNDP Uzbekistan – 2015г.

43. Международная ассоциация пенсионных и социальных фондов 21 [22] 2018.

44. Р.Джуманова “Ижтимоий – иқтисодий жараёнларни моделлаштириш ва прогнозлаш” ўқув услубий қўлланма, Тошкент – 2012й.

45. Пенсия журнали № 1 (256), январь 2018 й. “Москва”.

46. Пенсия журнали № 2 (257), февраль 2018 й. “Москва”.

#### **Интернет сайтлари.**

47. <http://www.lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг миллий қонунчилик базаси).

48. <http://www.stat.uz> (Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг сайти).

**49.** <http://www.pfru.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг сайти).

**50.** <http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг сайти).

**51.** <http://www.world-pensions.org> (Бутунжаҳон пенсия тизимининг электрон портали).

**52.** <http://www.pfrf.ru> Пенсионный фонд Российской федерации.